



# ЎЗАРО ИШОНЧ ВА ҲУРМАТ РУҲИ, БИР-БИРИНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ТАМОЙИЛИ УЗОҚ МУДДАТЛИ ҲАМКОРЛИКНИНГ МУСТАҲКАМ УСТУНИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2 май куни Халқаро конгресс марказида учинчи Тошкент халқаро инвестиция форумининг ялпи мажлисида иштирок этди.



Тадбирда, шунингдек, Туркия Республикаси вице-президенти Жавдат Йилмаз, Сингапур Парламенти Спикери Сиа Киан Пенг, Қирғизистон Бош вазири Ақилбек Жапаров, Саудия Арабистони энергетика вазири Абдулазиз бин Салмон Ол Сауд, Европа тикланиш ва тараққиёт банки президенти Одиль Рено-Бассо, БМТ Бош котиби ўринбосари Татьяна Молчан, ОПЕК Халқаро тараққиёт жамғармаси президенти

Абдулхамид Ал-Халифа ва бошқалар қатнашди. Умуман, форумга дунёнинг 93 мамлакатидан икки ярим минг нафардан зиёд хорижий меҳмон ташриф бурди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан ташкил этилаётган халқаро форум ўтган уч йил давомида икки ва кўп томонлама ҳамкорликни кенгайтириш, энг долзарб муаммоларни муҳокама қилиш, илгор ғоя ва ёндашувларни ишлаб

чиқиш учун самарали мулоқот майдонига айланди.

Давлатимиз раҳбари сўзининг аввалида мажлис иштирокчиларини қўллаб, форум мамлакатимизда орта қайтмас тус олган ислохотларга, ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйишга бўлган улкан қизиқишдан далолат беришини таъкидлади.

Бугунги анжуман глобал геосиёсий ва иқтисодий муаммолар авж олаётган,



барқарор ривожланиш йўлида хавф ва таҳдидлар кучайиб бораётган даврга тўғри келаётгани қайд этилди.

Дунё тартиботида чуқур трансформация жараёнлари кечмоқда. Товар ва хизматларни етказиб бериш занжирларидаги узиллишлар, халқаро савдонинг пасайиши, инвестиция оқимларининг камайиши, иқлим офатларининг кучайиши — вазият нақадар беқарор ва заиф эканини яққол кўрсатмоқда.

Президентимиз жаҳон иқтисодиётининг ўсиш суръатлари сўнгги уч йил давомида пасаяётганини кўрсатиб ўтди. Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар билан боғлиқ тенденциялар ҳам қутилган умидларни оқламайпти. 2023 йилда ривожланаётган давлатларга киритилган инвестициялар умумий ҳажми 9 фоизга камайди.


— Албатта, биз бугун жаҳонда инвесторлар учун мислсиз кураш кетаётганини

яхши тушунамиз, — деди Шавкат Мирзиёев. — Бироқ бир ўзгармас ҳақиқат тобора ойдинлашмоқда. Ҳеч бир мамлакат бу каби ўткир муаммоларни яққа ҳолда ҳал эта олмайди. Ўзаро ишонч ва ҳурмат руҳи, бир-бирини қўллаб-қувватлаш тамойили узоқ муддатли ҳамкорликнинг мустаҳкам устуни бўлиб қолаверади.

► Давоми 2-бетда

## ХОРИЖИЙ ДЕЛЕГАЦИЯЛАР РАҲБАРЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2 май куни Тошкент халқаро инвестиция форуми доирасида Сингапур Республикаси Парламенти Спикери Сиа Киан Пенг, Қирғиз Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раиси — Президент Администрацияси раҳбари Ақилбек Жапаров, Саудия Арабистони энергетика вазири шаҳзода Абдулазиз бин Салмон Ол Сауд бошчилигидаги делегация, Бирлашган Араб Амирликлари иқтисодиёт вазири Абдулла бин Ал Маррий бошчилигидаги делегация, Умон Султонлиги савдо, саноат ва инвестицияларга кўмаклашиш вазири Қайс бин Муҳаммад ал-Юсуф, БМТ Бош котиби ўринбосари, Европа иқтисодий комиссияси Ижрочи котиби Татьяна Молчан ва Россия делегациясига бошчилик қилаётган Россия Федерацияси Президенти ёрдамчиси Максим Орешкинни қабул қилди.



Сингапур Республикаси Парламенти Спикери Сиа Киан Пенг суҳбат аввалида мамлакатимиз етакчисига самимий қабул учун миннатдорлик билдирди ва форум юксак даражада ташкил этилганини эътироф этди.


Ўтган бир йилда Ўзбекистон — Сингапур муносабатларида улкан натижаларга эришилгани мамнуният билан қайд этилди. Иккита давлат ташрифи муваффақиятли

ўтказилди, товар айирбошлаш ҳажми, қўша лойиҳалар сони, шу жумладан, тўқимачилик ва кимё, қишлоқ хўжалиги, логистика ва бошқа тармоқларда изчил ошиб бормоқда.

Қадрлар тайёрлаш, инвестициялар, туризм ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳаларида ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Олий даражадаги келишувлар устидан биргаликда самарали парламент назоратини ўрнатиш муҳимлиги таъкидланди.

Қирғиз Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раиси — Президент Администрацияси раҳбари Ақилбек Жапаров суҳбат аввалида Ўзбекистон етакчисига Қирғизистон Президенти Садир Жапаровнинг самимий саломини етказди.



Ўзбекистон билан Қирғизистон ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантириш, савдо, саноат кооперацияси, энергетика, транспорт ва логистика соҳаларида ҳамкорликни кенгайтириш, ҳудудлараро алоқалар ва маданий-гуманитар алмашинуви фаоллаштириш масалалари кўриб чиқилди.

Қамбарота ГЭС-1 ва “Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон” темир йўлини қуриш

лоийҳаларининг амалий жиҳатларига алоҳида эътибор қаратилди.

Бўлажак олий даражадаги учрашувларга тайёргарлик доирасида кўп қиррали шерикликнинг янги кун тартибини шакллантириш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Саудия Арабистони энергетика вазири шаҳзода Абдулазиз бин Салмон Ол Сауд учрашув аввалида Ўзбекистон етакчисига

Подшоҳ Салмон бин Абдулазиз Ол Сауд ва Валиаҳд, Бош вазир Муҳаммад бин Салмон Ол Сауднинг саломини ва энг эзгу тилақларини етказди.

Амалий ҳамкорликни янада кенгайтириш, Ўзбекистонда устувор инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш масалалари кўриб чиқилди.

► Давоми 2-бетда

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ УЧИНЧИ ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО ИНВЕСТИЦИЯ ФОРУМИДАГИ НУТҚИ

Ҳурматли форум иштирокчилари!

Хонимлар ва жаноблар!

Аваллабор, Учинчи Тошкент халқаро инвестиция форумида иштирок этаётган сиз, азизларни чин қалбимдан самимий қўллашга ижозат бергайсиз.

Шунинг мамнуният билан таъкидлашни истардимки, йилдан-йилга яхши аниҳага айланиб бораётган ушбу формат доирасида юртимизда дунёнинг барча қитъаларидан янгидан-янги ишончли ҳамкорларимиз жам бўлмоқда.

Ўтган уч йил давомида мазкур форум икки ва кўп томонлама ҳамкорликни кенгайтириш, энг долзарб муаммоларни муҳокама қилиш,

илгор ғоя ва ёндашувларни ишлаб чиқиш учун самарали мулоқот майдонига айланди. Бугунги тадбиримизга 93 та давлатдан икки ярим мингдан ортиқ хорижий меҳмонлар келгани ҳам форумнинг аҳамияти тобора ортиб бораётганини яққол тасдиқлайди.

Бу, ўз навбатида, мамлакатимизда орта қайтмас тус олган ислохотларга, ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйишга бўлган улкан қизиқишдан далолат беради.

Ҳурматли форум қатнашчилари! Бугунги анжуманимиз глобал геосиёсий ва иқтисодий муаммолар авж олаётган, барқарор ривожланиш йўлида хавф ва

таҳдидлар кучайиб бораётган даврга тўғри келмоқда.

Дунё тартиботида чуқур трансформация жараёнлари кечмоқда. Товар ва хизматларни етказиб бериш занжирларидаги узиллишлар, халқаро савдонинг пасайиши, инвестиция оқимларининг камайиши, иқлим офатларининг кучайиши — вазият нақадар беқарор ва заиф эканини яққол кўрсатмоқда.

Жаҳон иқтисодиётининг ўсиш суръатлари сўнгги уч йил давомида пасаймоқда. Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар билан боғлиқ тенденциялар ҳам қутилган умидларни оқламайпти. 2023 йилда ривожланаётган

давлатларга киритилган инвестициялар умумий ҳажми 9 фоизга камайди.

Албатта, биз бугун жаҳонда инвесторлар учун мислсиз кураш кетаётганини яхши тушунамиз. Бироқ бир ўзгармас ҳақиқат тобора ойдинлашмоқда. Ҳеч бир мамлакат бу каби ўткир муаммоларни яққа ҳолда ҳал эта олмайди. Ўзаро ишонч ва ҳурмат руҳи, бир-бирини қўллаб-қувватлаш тамойили узоқ муддатли ҳамкорликнинг мустаҳкам устуни бўлиб қолаверади.

Ҳурматли хонимлар ва жаноблар! Биз мамлакатимизда инвестиция ва бизнес муҳитини тубдан яхшилаш, бу

йўлдаги тўсиқларни босқичма-босқич бартараф этиш учун қатъий қадамлар ташладик. Айнаш шу бонс, ҳар бир сармоядор ўзини эркин ва ишончли ҳис қилиши учун кенг қўламли ислохотларни амалга оширяймиз.

Сизлар яхши биласиз, бундан етти йил муқаддам биз учун осон бўлмаган, лекин катта марраларни кўзлаган тизимли ислохотларни бошлаган эдик. Биз иқтисодиётни эркинлаштириш, қўлай инвестиция муҳитини яратиш, тадбиркорлар учун имкониятларни ҳар томонлама кенгайтиришни асосий мақсадимиз этиб белгиладик.

Сўнгги йилларда иқтисодиётимиз қарийб икки баробар ўсди. Ўтган йил якуни бўйича бу ўсиш 6 фоизни ташкил қилди. Инфляция 9 фоизгача пасайди. Савдо айланмаси кўрсаткичлари муттасил ошмоқда. Валюта бозори ва олтин-валюта захиралари барқарорлиги сақлаб қолинмоқда.

Охириги йилларда мамлакатимизда 60 миллиард доллардан зиёд хорижий инвестициялар ўзлаштирилди. Халқаро молия институтларининг 14 миллиард доллардан ортиқ маблағлари ижтимоий ва инфратузилма соҳаларига жалб қилинди.

► Давоми 2-бетда



# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ УЧИНЧИ ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО ИНВЕСТИЦИЯ ФОРУМИДАГИ НУТҚИ

## Бошланиши 1-бетда

Ўтган йилнинг ўзида хорижий инвестициялар ҳажми қарийб икки баробар кўпайди. Шу ўринда энергетика соҳасида “ACWA Power”, “Masdar”, “Total Eren”, “Volitalia”, “Calik” ва “Aksa”, кимё sanoatida “Air Products”, “Indorama” ва “SAMCE”, тоғ-кон ва металлургияда — “Orano” ва “DANIELI”, автомобилсозлик ва электротехника йўналишларида “BYD”, “Kia” ва “Samsung”, курилиш соҳасида “Koc” ва “KNAUF” каби дунёнинг етакчи компаниялари ҳамда йирик брендлари билан 300 дан ортиқ инвестиция ва sanoat лойиҳалари ишга туширилгани ва юз минглаб янги иш ўринлари яратилганини катта мамнуният билан таъкидламоқчиман.

Бугунги форум доирасида дунёнинг илғор компаниялари ҳисобланган “Linde”, “Ogascom”, “DataVolt”, “Bonafarm”, “PASHA Holding”, “Bata” ва “DanIELI” ширкатлари ҳамда янги йирик лойиҳаларга start берамиз.

Фурсатдан фойдаланиб, бу ишга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаётган хорижий инвесторларга, барча ҳамкорларимизга ўзининг чуқур ва самимий миннатдорчилигини изҳор этаман.

Биз тадбиркорлик ва бизнесни қўллаб-қувватлаш мақсадида бошқа устувор йўналишларда қатор аниқ чораларни ишлаб чиққанмиз.

Эндиликда хорижий сармоядорлар акциялардан олинаётган дивидендлар бўйича солиқлардан ун йил муддатга озод этилади.

Яқинда Хусусийлаштириш тўғрисидаги қонуни қабул қилдик. 250 та йирик корхонанинг давлат улушини ва салкам 1000 та кўчмас мулк объектларини сотиш, 12 та корхона акцияларини фонд бозорларида бирламчи оммавий joyлаштириш (IPO) учун янги дастур ҳам ишга туширилди.

Тадбиркорлар барқарорлиги рейтингини жорий этилди. Юқори рейтингга эга тадбиркорлик субъектлари учун солиқ тегишривлари ўтказилмайд.

Энергетика йўналишидаги давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш тажрибасини ихтиёмий ва бошқа инфратузилма соҳаларида ҳам кенг таъбиқ этишни режалаштирганмиз. Хусусан, Хитойнинг “CITIC” ва “SAMCE” компаниялари билан ирригация ва автомобиль йўллари, Франциянинг “Suez” ва “Veolia” компаниялари билан

ичимлик суви таъминоти, “Inter Health” ва “Pure Health” араб компаниялари билан замонавий тиббиёт муассасаларини қуриш лойиҳалари ишлаб чиқилмоқда.

Саноат зоналари инфратузилмасини бюджет маблағлари ҳисобидан ривожлантиришга муҳим аҳамият қаратмоқдамиз. Тадбиркорларга ер ажратишнинг замонавий шаффоқ тамойиллари — яъни аукцион савдо тизими йўлга қўйилди. Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш доирасида қонунчиликни уйғунлаштиришга қаратилган 60 дан ортиқ норматив ҳужжатлар қабул қилинди.

Коррупцияга қарши курашиш агентлиги тузилиб, 2030 йилгача мўлжалланган Миллий стратегия ишлаб чиқилмоқда. Ўтган йили Тошкентда коррупцияга қарши курашиш бўйича халқаро тадбирларни ўтказдик.

Низоларни адолатли ҳал этиш мақсадида Тошкент халқаро арбитраж маркази муваффақиятли фаолият олиб бормоқда. Унинг таркибига Америка Қўшма Штатлари, Буюк Британия, Италия, Швеция, Хитой, Ўзбекистон ва Бразилия каби мамлакатлардан 90 дан ортиқ нуфузли ҳакамлар ўрин олган.

Инвесторлар учун яна бир муҳим қўрсаткич. Охириги етти йилда олий таълим қамрови 9 фоиздан 42 фоизга ошди, олий ўқув юртлири сони 200 тадан ортиди.

Ўзбекистонда 90 дан ортиқ давлатларга визасиз режим жорий этилди.

Хурматли форум иштирокчилари! Бизнинг асосий мақсадимиз — Ўзбекистонни хорижий инвесторлар учун ишончли ва узоқ муддатли ҳамкорга айлантиришдир.

Давлатимиз бозор муносабатларини ривожлантириш, инвесторлар ҳуқуқлари ишончли ҳимоя қилинишини, қўлай инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришни, ҳалол рақобат учун янада кенг шарт-шароитлар яратишни, хусусий мулк дахлсизлиги ва суд тизимининг мустақиллиги таъминланишини ўз зиммасига олмоқда.

Биз бу тамойилларни ўтган йили умумхалқ референдумида қабул қилинган янги Конституцияимизда қатъий муҳрлаб қўйдик.

Сармоядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кучайтириш мақсадида бугун сизларга қатор аниқ тақлифларни билдирмоқчиман.

Биринчидан, янги таҳрирдаги “Инвестициялар тўғрисида”ги қонуни қабул қиламиз. Ушбу ҳужжат Жаҳон савдо ташкилоти тартиб-қоидалари ва стандартларига мувофиқ ишлаб чиқилди.

Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Жаҳон банки, Халқаро валюта жағмармаси, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотига бу борадаги яқин ҳамкорлиги учун алоҳида миннатдорлик изҳор этмоқчиман.

Иккинчидан, тез орада мамлакатимизда Рақамли технологиялар халқаро маркази хузурида Халқаро тижорат суди иш бошлайди. Ушбу суд Ўзбекистон суд-ҳуқуқ тизимида алоҳида ўринга эга бўлади. Бунинг учун яқин муддатларда махсус қонунни қабул қиламиз. Процессуал кодексларга ушбу халқаро тижорат суди қарорлари тўлақонли ижро этилишига оид меъёрларни ҳам кири-тирамиз.

Учинчидан, яқин вақтда саноат зоналари тизимида мутлақо янгица ёндашувларни жорий этамиз.

Юқори технологик лойиҳаларни амалга ошириш учун инвесторларга янада қўлай шарт-шароитлар яратилади. Саноат зона-рини бошқаришда хусусий операторлар, жумладан, юқори малакали хорижий компанияларни фаол жалб қилиш амалиёти кенгайтирилади. Махсус иқтисодий зоналар фаолият муддатлари бўйича чекловлар ҳам бекор қилинади.

Хорижий сармоядорлар учун ерларни ижарага бериш муддати 25 йилдан 49 йилгача, яъни икки баробар узайтирилади. Бунда, қонунар билан қабулланган амалдаги имтиёз ва преференциялар тўлиқ сақлаб қолинади.

Бу масалаларнинг барчасини эртага Хорижий инвесторлар кенгашининг навбатдаги йиғилишида батафсил муҳокама қиламиз.

Хурматли форум иштирокчилари!

Тизимли ислохотларни давом эттириш, кучли ва фаровон давлат қуриш мақсадида “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини қабул қилдик. Бу муҳим ҳужжатда барқарор иқтисодий ўсишга эришиш, ижтимоий ҳимоя, соғлиқни сақлаш ва таълим тизимларини ислоҳ қилиш, қонун устуворлигини таъминлаш бўйича 100 та аниқ вазифа ўз аксини топган.

2030 йилга бориб, аҳоли даромадларини икки баробар ошириш ва ушбу кўрсаткич бўйича ўртачадан юқори бўлган давлатлар қаторига киришни мақсад қилиб қўйганмиз.

Иқтисодиётда чуқур трансформация жараёнларини, қўлай инвестиция ва бизнес муҳити ҳамда саноатда юқори қўшилган қий-матини яратишни изчил давом эттирамиз.

Шу ўринда ўзаро манфаатли ҳамкорлигини кенгайтириш бўйича устувор йўналишларга алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман.

**Биринчи йўналиш: “яшил” энергетика.** Энергетика тармоғи самардорлигини ошириш бутун минтақамиз учун долзарбдир. Бу борада мамлакатимизда 28 та лойиҳа устида ишлар давом эттирилмоқда.

Биз 2030 йилгача 20 гигаваттдан ортиқ қайта тикланувчи энергия қувватларини яратиш ва энергетика балансида унинг улушини 40 фоизга етказишни мақсад қилганмиз.

Ўтган йилнинг ўзида 1,4 гигаватт қувватдаги йирик шамол ва қуёш электр станцияларини стратегик шерикларимиз бўлган “Masdar”, “Gezhouba”, “China Energy” компаниялари билан ишга туширдик. Шунингдек, “ACWA Power” билан “яшил водород” ишлаб чиқариш лойиҳасини ҳам бошлаб юбордик.

Энг эътиборли жиҳати — ушбу муҳим лойиҳалар давлат-хусусий шериклик тамойили асосида, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобидан амалга оширилмоқда.

Бугун форум доирасида сиз, инвесторларимиз учун қўшни Қирғизистон ва Тожикистондаги гидроэлектр станцияларини биргаликда қуриш лойиҳалари тақдимотини ўтказамиз. Ушбу йўналишда барча давлатлар етакчи компанияларини очик мулоқот ва амалий ҳамкорликка тақлиф этамиз.

**Иккинчи йўналиш: банк-молия соҳаси.** Сўнгги йилларда мамлакатимизда қўллаб-қувватлаш ва дастурий махсулотлар экспорти икки баробар ошди. Келажакда бу кўрсаткич 5 миллиард долларга етказишни режа қилганмиз.

Ўзбекистонда халқаро молиялаштириш инструментларини ривожлантириш устида иш олиб бориламоқда. Хорижий сармоялар оқими бир неча баробар ортди, корпоратив бошқарув сифати ошиши, янги етакчи банк-молия институтлари кириб келишини кутиб қоламиз.

Мамлакатимизда халқаро молиялаштириш учун капитал бозорини ривожлантириш бўйича ёндашувлар қайта кўриб чиқилмоқда.

Ўзбекистонда халқаро молиялаштириш учун капитал бозорини ривожлантириш устида иш олиб бориламоқда. Хорижий сармоялар оқими бир неча баробар ортди, корпоратив бошқарув сифати ошиши, янги етакчи банк-молия институтлари кириб келишини кутиб қоламиз.

**Учинчи йўналиш: фойдаланиш қазилмалар.** Ўзбекистон — минерал ресурслар ва муҳим металлларнинг катта базасига эга мамлакатдир. Юртимизда олтин, мис, вольфрам, қумуш, ураннын улкан захиралари мавжуд. Нодир ва ноёб минераллар қаторида литий, магний, молибден, германий, ванадий ва индий каби 30 дан ортиқ металлларнинг захираларига алоҳида эътибор қаратишни истардим.

Ўтган ойда Европа Иттифоқи билан ўта муҳим ҳомашё соҳасида стратегик ҳамкорлик ўрнатилди. Америка Қўшма Штатлари ва Буюк Британия билан ҳам шундай битим устида иш олиб бораемиз.

Бу борада замонавий халқаро тажриба асосида янги таҳрирдаги “Ер ости бойликлари тўғрисида”ги қонун қабул қилинади. Шу ўринда Европа тикланиш ва тараққиёт банкига бу ишдаги салмоқли ҳиссаси учун алоҳида раҳмат айтамоқчиман.

Стратегик ҳомашёлари чуқур қайта ишлаш ва қўшилган қиймат занжирини яратиш учун етакчи компанияларни Ўзбекистонга тақлиф этамиз.

**Тўртинчи йўналиш: мамлакатнинг IT трансформацияси.** Бир йил ичида IT хизматлар ва дастурий махсулотлар экспорти икки баробар ошди. Келажакда бу кўрсаткич 5 миллиард долларга етказишни режа қилганмиз.

IT-парк резидентлари сони ўн баробар кўпаяди, келгусида 100 минг янги ишчи ўрни яратилади. Бундан ташқари, унинг базасида хорижий компаниялар учун Рақамли технологиялар халқаро маркази яратилмоқда.

Бу борада Саудия Арабистонининг “Data Volt” компанияси билан “яшил” энергия асосида ишлайдиган “Маълумотлар маркази”ни барпо этиямиз. Бу мамлакатимизни рақамли иқтисодиётга ўтказиш ва сунъий интеллект асосида технологияларни жорий этишга улкан туртки бағишлайди, деб ҳисоблаймиз.

**Бешинчи йўналиш: транспорт инфратузилмасини ривожлантириш.** Қўлай ва замонавий транспорт тизимларини яратиш вазифасига устувор эътибор қаратаемиз.

Темир йўл соҳасида туб ислохотлар олиб бориламоқда, тармоққа хусусий инвесторларни жалб этиш учун кенг имкониятлар очилмоқда. Пуллик автомобиль ва тезорар темир йўллари қуриш бўйича қўшма лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда.

## ХОРИЖИЙ ДЕЛЕГАЦИЯЛАР РАҲБАРЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВЛАР

### Бошланиши 1-бетда

Савдо-иқтисодий ва инвестициявий шерикликда юксак даражага эришилгани мамнуният билан қайд этилди. Бугунги кунда қўшма лойиҳалар портфели 30 миллиард доллардан ошди.

Мамлакатимизда энергетика тармоғини ривожлантиришга энг кўп инвестиция киритган “ACWA Power” компанияси билан самарали ҳамкорлик қилинаётгани таъкидланди.

Бу галли форум доирасида “яшил” энергетика, инфратузилма, соғлиқни сақлаш ва фармацевтика соҳаларида 18 миллиард долларлик лойиҳаларни амалга ошириш бўйича битимлар имзоланди.

Шунингдек, ахборот-коммуникация технологиялари, қишлоқ хўжалиги ва бошқа йўналишларда янги лойиҳаларни илгари сурди зарурлиги қайд этилди.

Бирлашган Араб Амирликлари иқтисодиёт вазири Абдулла бин Ал Маррий учрашув аввалида давлатимиз раҳбарига БАА Президенти Шайх Муҳаммад Ол Наҳаён, Бош вазири Шайх Муҳаммад Ол Мактум, вице-президенти Шайх Мансур Ол Наҳаён билан Абу-Дабби Валнаҳди Шайх Ҳолид Ол Наҳаённинг самимий саломи ва энг эгзу тилакларини етказди.

Савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликнинг қўшма лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш ва илгари сурининг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Иқтисодиётнинг устувор тармоқларида шериклик жадал ривожланиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди. Товар айирбошлаш ҳамжи, қўшма корхоналар ва тўғридан-тўғри авиакатювлар сони ошиб бормоқда. Икки мамлакат етакчи компаниялари иштирокдаги лойиҳалар портфели 4 миллиард долларга етди.

Энергетика, транспорт, логистика, қишлоқ хўжалиги, сув таъминоти ва бошқа соҳаларда йирик лойиҳаларни тезлаштиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Умон Султонлиги савдо, саноат ва инвестицияларга қўмаллаштириш вазири Қайс бин Муҳаммад ал-Юсуф учрашув бошида давлатимиз раҳбарига Умон Султони Ҳайсам бин Торик Ол Саиднинг самимий саломини етказди.

Ўзаро манфаатли ҳамкорликни, энг аввало, савдо-иқтисодий ва инвестициявий йўналишларда кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Энергетика, транспорт, соғлиқни сақлаш, туризм, геология, озиқ-овқат, тўқимачилик, кимё соҳаларида, шу жумладан, Ўзбекистон — Умон инвестиция компанияси кўмағида лойиҳаларни амалга

Тошкент, Бухоро ва Урганч халқаро аэропортларини ривожлантириш ва янгиларини қуриш бўйича салоҳиятли хорижий инвесторлар билан ҳамкорлик лойиҳалари тайёрланмоқда.

Маълумки, биз хорижий шерикларимиз билан биргаликда Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон ва Ўзбекистон — Афғонистон — Покистон темир йўллари қуриш бўйича дастлабки ишларни бошладик.

Ушбу стратегик лойиҳалар минтақадаги геоиқтисодий вазиетни бутунлай ўзгартириб, Марказий Осиёни Шимол ва Жануб, Шарқ ва Ғарб билан боғлайдиган глобал транзит марказига айлантиради.

Биз инвесторларни ва халқаро ташкилотларни бу йирик минтақаий лойиҳаларда қатнашишга, Буюк Ипак йўлини замонавий асосда қайта тиклашга тақлиф қиламиз.

Азиз дўстлар! Янги Ўзбекистон — бекиёб имкониятларга эга, адолатли ва жадал ривожланиётган дунёвий мамлакатдир.

Биз ҳар куни ҳаётга таъбиқ этаётган улкан гоё ва буюк орзуларимизнинг асосий илҳом манбаи — бу, энг аввало, меҳнатқаш ва олижаноб халқимиздир.

Шуни алоҳида таъкидлашни истар эдимки, бугун бу ерда йиғилган инвесторлар ўзларининг энг илғор технология ва тажрибалари, янги тақлиф ва ёндашувлар билан бизни фақат олға юришга ундайди.

Сизларга муҳим бир фикрни етказмоқчиман: ҳар бир ташаббус, ҳар бир лойиҳангиз бўйича давлатимиз, ҳукуматимиз аъзолари сизларга елкадош бўлиб, ёнингизда туриб, уларни тўлиқ амалга оширишда яқиндан ёрдам беради.

Шундай қилсак, сизларга маъқул бўлади, деб ўйлайман.

**Инвестициялар — бу мамлакатимиз трансформациясининг локомотиви ва иқтисодий тараққиётимизнинг мустаҳкам драйверидир.**

Ҳеч шубҳасиз, бугунги Халқаро инвестиция форуми ва сермаксул музокаралар амалий ҳамкорлигимизни сифат ва мазмун жиҳатидан мутлақо янги, янада юксак босқичга олиб чиқишга ишонаман.

Барчангизга аждамангизда иштирок этаётганингиз учун яна бир бор ташаккур изҳор этаман.

Эътиборингиз учун катта раҳмат.

## ЎЗАРО ИШОНЧ ВА ҲУРМАТ РУҲИ, БИР-БИРИНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ТАМОЙИЛИ УЗОҚ МУДДАТЛИ ҲАМКОРЛИКНИНГ МУСТАҲҚАМ УСТУНИ

### Бошланиши 1-бетда

Ўзбекистон етакчиси мамлакатимизда инвестиция ва бизнес муҳитини тўдан яхшилаш, бу йўлдаги тўсиқларни босқичма-босқич бартараф этиш учун ташланган қатъий қадамларни санаб ўтди. Ҳар бир сармоядор ўзини эркин ва ишончли ҳис қилиши учун кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Натижада сўнгги йилларда иқтисодиётимиз қарийб икки баробар ўсди. Ўтган йил якуни бўйича бу ўсиш 6 фоизни ташкил қилди. Инфляция 9 фоизгача пасайди. Савдо айланмиси кўрсаткичлари муттасил ошмоқда. Валюта бозори ва олтин-валюта захиралари барқарорлиги сақлаб қолинмоқда.

Охириги йилларда мамлакатимизда 60 миллиард доллардан зиёд хорижий инвестициялар ўзлаштирилди. Халқаро молия институтларининг 14 миллиард доллардан ортиқ маблағлари ихтиёмий ва инфратузилма соҳаларига жалб қилинди.

Ўтган йилнинг ўзида хорижий инвестициялар ҳажми қарийб икки баробар кўпайди. Энергетика соҳасида “ACWA Power”, “Masdar”, “Total Eren”, “Volitalia”, “Calik” ва “Aksa”, кимё sanoatida “Air Products”, “Indorama” ва “SAMCE”, тоғ-кон ва металлургияда — “Orano” ва “DANIELI”, автомобилсозлик ва электротехника йўналишларида “BYD”, “Kia” ва “Samsung”, курилиш соҳасида “Koc” ва “KNAUF” каби дунёнинг етакчи компаниялари ҳамда йирик брендлари билан 300 дан ортиқ инвестиция ва sanoat лойиҳалари ишга туширилгани ва юз минглаб янги иш ўринлари яратилгани катта мамнуният билан таъкидланди.

Бугунги форум доирасида дунёнинг илғор компаниялари ҳисобланган “Linde”, “Ogascom”, “DataVolt”, “Bonafarm”, “PASHA Holding” ва бошқа шериклар иштирокда янги йирик лойиҳаларга start берилди.

Иқтисодиётни янада либераллаштириш, қўлай инвестиция муҳитини яратиш, бизнес юришти учун имкониятларни ҳар томонлама кенгайтириш бўйича қабул қилинган қарорлар ва олиб борилаётган ишлар қайд этилди.

Хорижий инвесторларга дивиденд солиғидан имтиёзлар, хусусийлаштириш жараёнининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш ва хусусийлаштириш дастурини кенгайтириш, тадбиркорлар барқарорлиги рейтингини жорий қилиш, саноат зоналари инфратузилмасини ривожлантириш, ерларни ажратишнинг шаффоқ тизимини жорий қилиш шулар жумласидан.

Бундан ташқари, давлат-хусусий шериклик асосидаги лойиҳаларни амалга ошириш шартларини ихтиёмий ва

инфратузилма соҳаларга таъбиқ этиш режалаштирилган. Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш доирасида миллий қонунчиликни уйғунлаштириш ишлари тобора фаоллашмоқда.

Низоларни адолатли ҳал этиш мақсадида Тошкент халқаро арбитраж маркази муваффақиятли фаолият олиб бормоқда. Коррупцияга қарши курашиш бўйича 2030 йилгача мўлжалланган Миллий стратегия ишлаб чиқилмоқда.

Инвесторлар учун яна бир муҳим кўрсаткич. Охириги етти йилда олий таълим қамрови 9 фоиздан 42 фоизга ошди, олий ўқув юртлири сони 200 тадан ортиди. Ўзбекистонда 90 дан ортиқ давлатлар учун визасиз режим жорий этилди.

— Бизнинг асосий мақсадимиз — Ўзбекистонни хорижий инвесторлар учун ишончли ва узоқ муддатли ҳамкорга айлантиришдир, — деди Ўзбекистон Президенти.

Давлатимиз бозор муносабатларини ривожлантиришни, инвесторлар ҳуқуқлари ишончли ҳимоя қилинишини, қўлай инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришни, ҳалол рақобат учун янада кенг шарт-шароитлар яратишни, хусусий мулк дахлсизлиги ва суд тизимининг мустақиллиги таъминланишини ўз зиммасига олмоқда.

Бу тамойиллар ўтган йили умумхалқ референдумида қабул қилинган янги Конституцияимизда қатъий муҳрлаб қўйилди.

Хусусан, Жаҳон савдо ташкилоти тартиб-қоидалари ва стандартларига мувофиқ янги таҳрирдаги “Инвестициялар тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Тез орада мамлакатимизда биринчи халқаро тижорат суди иш бошлайди.

Саноат зоналари тизимида мутлақо янгица ёндашувларнинг жорий этилиши юқори технологик лойиҳаларни амалга ошириш учун инвесторларга янада қўлай шароитлар яратди. Махсус иқтисодий зоналар фаолият муддатлари бўйича чекловлар ҳам бекор қилинади, хорижий сармоядорлар учун ерларни ижарага бериш муддати 25 йилдан 49 йилгача узайтирилади.

Умуман, “Ўзбекистон — 2030” стратегияси доирасида аҳоли даромадларини икки баробар ошириш ва ушбу кўрсаткич бўйича ўртачадан юқори бўлган давлатлар қаторига кириш мақсад қилиб қўйилган.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида хорижий инвесторлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтиришнинг устувор йўналишларига алоҳида тўхтади.

Биринчи йўналиш: “яшил” энергетика. Энергетика тармоғи самардорлигини ошириш бутун минтақамиз учун долзарбдир. Бу борада мамлакатимизда 28 та лойиҳа устида ишлар давом эттирилмоқда.

2030 йилгача 20 гигаваттдан ортиқ қайта тикланувчи энергия қувватларини яратиш ва энергетика балансида унинг улушини 40 фоизга етказиш кўзда тутилган.

Стратегик шериклар билан биргаликда йирик шамол ва қуёш электр станцияларини ишлаб чиқиш, сунъий интеллект технологияларини жорий қилиш, “яшил” маълумотлар марказларини ташкил этиш каби истиқболли IT лойиҳаларида иштирок этишни мумкинлигини қайд этди.

Ўзбекистон Президенти транспорт инфратузилмасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратди.

Темир йўл соҳасида туб ислохотлар олиб бориламоқда, автомобиль ва тезорар темир йўллари қуришга хусусий инвесторларни жалб этиш учун кенг имкониятлар очилмоқда. Мавжуд халқаро аэропортларни ривожлантириш ва янгиларини қуриш бўйича лойиҳалар тайёрланмоқда.

Х



Иштирокчилар фикри

БАРЧА ТОМОНЛАР МАНФААТДОР

III ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО ИНВЕСТИЦИЯ ФОРУМИДА ИСТИҚБОЛЛИ КЕЛИШУВЛАРГА ЭРИШИЛМОҚДА

Шу кунларда пойтахтимиз йирик халқаро тадбирга мезбонлик қилмоқда. Чет эллик ишбилармон, инвестор, бизнес вакиллари III Тошкент халқаро инвестиция форумида иштирок этиш учун жамланди. Анжуманинг бу йилги меҳмонлари сони рекорд даражага етди — 93 мамлакатдан 2,5 мингдан зиёд делегат, жумладан, ҳукумат раҳбарлари, БМТ, ЕТТВ, ОПЕК, ШХТ сингари нуфузли халқаро ташкилотлар вакиллари қатнашчилар қаторидан жой олган.

Давлатингиз раҳбари халқаро форумни очиб бериб, унинг ялпи мажлисида нутқ сўзлар экан, мазкур тадбирнинг нақадар муҳим эканига эътибор қаратди. Мамлакатимизда инвестиция ва бизнес муҳитини тубдан яхшилаш, бу йўлдаги тўсиқларни босқичма-босқич бартараф этиш учун қатъий қадамлар ташлангани қайд этилди. Ҳар бир сармоядор ўзини эркин ва ишончли ҳис қилиши учун кенг қўламли ислохотлар амалга оширилоқда. Охириги йилларда 60 миллиард доллардан зиёд

хорижий инвестиция ўзлаштирилгани бўлиши аниқ исботи.

Ишонч ва эркинлик, албатта, сармоядор учун энг муҳим жиҳат. Қолаверса, мамлакатдаги ривожланишлар ҳам унинг жозибадорлигини янада оширади. Давлатингиз раҳбари ўз нутқида инвесторларга барча шароитларни яратиб бериш, ҳуқуқий кафолатларини таъминлаш, қулай бизнес муҳитини яратиш борасидаги ишлар жадал давом этишини таъкидлади. Ушбу йўналишда кўзланган янгилликлар санаб ўтилди.



Билдирилган ишонч хорижлик инвесторларни ҳам руҳлантирмоқда. Юртимиз бозорига дадил кириб келаётган чет эл компаниялари, инвестор ва ишбилармонлар бунга ишончи юқори экани, амалиётда гувоҳ бўлаётганини билдирапти.

Хироюки ИТО, Ўзбекистоннинг Нагоя шаҳридаги фахрий консули:



— Давлатингиз раҳбарининг нутқини тинглаб, амин бўлдимки, Ўзбекистонда инвесторларни қўллаб-қувватлаш борасида катта қадамлар ташланяпти. Масалан, хорижий сармоядорлар учун 49 йилгача ер ижарага берилиши ҳақида гапирилди. Бу жуда жозибадор таклиф ва япон компаниялари Ўзбекистонга киришида муҳим роль ўйнайдиган жиҳатлардан бири.

Тошкент халқаро инвестиция форумида илк бор иштирок этиш ва фикрларимни ижобий. Бундай шаклдаги платформа инвестиция бўйича кенг қўламли ҳамкорлик ривожига кўмак беради. Биргина япон инвесторларидан 30 дан ортиғи мазкур форумда иштирок этипти. Бойси, япон ишбилармонларининг Ўзбекистонга қизиқиши ортиб бормоқда. Маълумотларга кўра, 2016-2017 йилларда Ўзбекистонда 25 та япон компанияси бўлган, ҳозирги кунда 70 тадан ошди. Кўпроқ кўчмас мулк, молия, энергетика соҳаларида япон инвестициялари ошиб бормоқда. Айниқса, охириги вақтларда Ўзбекистонда туризм сезиларли ривожланмоқда ва бу инвесторларимиз эътиборини тортаяпти. Шу билан бирга, меҳмонхоналар қуриш, молиялаш тизими, хусусий таълим, ишлаб чиқариш соҳаларида инвестицион лойиҳаларни кенгайтиришни мақсад қилганмиз.

Японияда компанияларнинг 99 фоизи кичик ва ўрта бизнес секторига тўғри келади. Кейинги йилларда Ўзбекистонда ҳам шу

йўналишлар ривожланаётгани қувонарли ва ўзаро ҳамкорлик яхши натижа беради. Яқинда Нагоя шаҳрида Ўзбек-Япон савдо уйи очилди. У япон компанияларининг Ўзбекистонга инвестиция киритишдаги фаоллигини оширишда кўприк вазифасини ўтаяпти.

Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йилда Японияга ташрифи доирасида мамлакатимизнинг турли ҳудудлари билан алоҳида ҳамкорлик келишувларига эришилган. Улардан бири Нагоя шаҳри бўлиб, бу ер Япониянинг мануфактура маркази саналади. Шаҳарнинг ялпи ички маҳсулоти ҳажми 363 миллиард долларга тенг. Биз турли соҳаларда Ўзбекистон билан ҳамкорликни кенгайтириш, инвестициялар киритишни мақсад қилганмиз. Форум доирасида янги ҳамкорлар топиш ниятидамыз.

Муҳаммад АБДУЛЛА АБУНАЙЁН, Саудия Арабистонининг “ACWA Power” компанияси бошқаруви раиси:



— Яна бир бор Ўзбекистонда бўлиб, энг яқин иқтисодий ҳамкорлигимиз билан учрашиб турганимиздан мамнунмиз. Бу галги Тошкент халқаро инвестиция форуми географияси, қўламли янада кенгайтиришга гувоҳ бўлдим. Бу хорижлик ишбилармонларнинг Ўзбекистонга қизиқишини далолат. Айниқса, мамлакат етакчисининг нутқини тинглаб, жуда таъсирландим. Президент Шавкат Мирзиёев ўз халқи, фуқароларининг севиши, уларнинг яхши яшаши, сифатли таълим олиши учун барча имкониятларни ишга солаётгани шундоқ сезилиб турибди. Бу юртининг одамлари ҳам ўзгача — жуда қувноқ, доим қулиб туради. Инсонларнинг кўзида келажакка ишонч бор. Бундай давлатнинг келажакка эса, албатта, буюк бўлади.

Ҳозир Ўзбекистон “ACWA Power” компанияси Саудия Арабистондан сўнг энг кўп инвестиция лойиҳаларини амалга ошириб келаятган иккинчи мамлакатдир. Юртингизда компания иштирокидаги лойиҳалар қиймати 7,5 миллиард доллардан зиёд. Бу йўналишдаги инвестицион лойиҳаларини янада кўпайтиришни кўзлагамиз. Қолаверса, минтақавий инфратузилма, жумладан, транспорт ва экология соҳаларини ривожлантиришга қаратилган лойиҳаларда иштирок этиб, уларни қўллаб-қувватлашга қизиқиш билдиришимиз. Бу борада кўшим лойиҳаларни амалга ошириш мақсадини бор. Форум доирасида қатор муҳим келишувларга эришидик. Шунингдек, мамлакатларимиз ўртасида “яшил” энергетика, инфратузилма, соғлиқни сақлаш ва фармацевтика соҳаларида 18 миллиард долларлик лойиҳаларни амалга ошириш бўйича битимлар имзолашни кутиляпти.

Иқтисодий алоқаларимизга келсак, Ўзбекистон дўст эканидан хурсандимиз. Яъни ўртадаги бўлиб ва ишонч катта лойиҳаларга, йирик иқтисодий ҳамкорликка йўл очяпти. Мазкур юрт биз учун катта бозор. Қисқа муддат ичида мамлакатга 8,9 миллиард доллар инвестиция киритдик. Айни пайтда “яшил” энергетика секторига 6 ГВт. қувватга эга лойиҳалар рўйбга чиқариляпти.

Николай СЕЛЕЗНЁВ, “Узум” савдо тармоғининг стратегиялар ва бизнесни ривожлантириш директори:



— Тошкент халқаро инвестиция форуми бизнес вакиллари, хорижлик инвесторлар учун ўз эшикларини очиб, ҳамкорликка чорлаётгани катта қадам. Тадбир Ўзбекистонда инвесторлар учун яратилган шароитларни таништириш бораборида йирик лойиҳалар, келишувларга йўл очади. Очигини айтиш керак, мамлакатда бир неча йил олдин ишбилармонлар учун шароитлар яратиш бўйича жуда мураккаб пойдевор қўйилди ва у тобора ривожланиб бормоқда. Имкониятлар биз каби компанияларни қувонтиради, мамлакатда эркин бизнес қилишга, эртанги кунга ишонч уйғотади. Ана шу ишонч инвесторларни Ўзбекистонга чорламоқда.

Буни “Узум маркет” мисолида ҳам кўриш мумкин ва қисқа вақтда компания Ўзбекистон электрон бозорига катта ўринга эга бўлди. Форумнинг панель сессиялари довомида ушбу компаниянинг Ўзбекистондаги икки йиллик фаолияти ҳамда ривожланиши ҳақида маъруза қилдим. Ўтган даврда биз логистика инфратузилмаси, хориж технологиялари муносабатларига катта инвестиция киритиб, кўп

иш ўринлари яратдик. Бунинг учун бизга тўсиқлар қўйилмади, аксинча, имконият берилди.

Келажакдаги режаларимиз ҳам талайгина. Чунки бизнес доим ривожланиб бориши керак, бунинг учун эса инвестиция зарур. Кейинги 5-7 йилда соҳада бизни 10 қарра ўсиш кутиляпти. Катта ўзгаришлар, янгиланишлар бўлади. Одамлар қулай, тезор ва тежамкор онлайн харидларга ўрганиб бормоқда. Мазкур соҳа келгусида бозорнинг катта қисмини эгаллайди. Бу эса биз каби компанияларнинг янада ривожланишига йўл очади. Тошкент халқаро инвестиция форумида йирик компаниялар, катта инвесторлар иштирок этипти. Биз ҳам ҳамкорлар билан учрашиб, инвестициялар бўйича келишувларга эришишни кўзлагамиз. Мулоқотлар жуда қизгин кечмоқда.

Алберто МАНУЭЛ, испаниялик журналист:



— Тошкент халқаро форумида илк бор иштирок этиш, аммо Ўзбекистонга тўртинчи келишим. Самарқандда ҳам бўлганман, бетакорро шароит. Деярли 40 йилдан буюн журналистика соҳасида фаолият юритаман. Ҳозир Мадриддаги бир неча газета ва журналда ишлаяпман. Форумни хорижлик ҳаммақбарим қаторида ёритишдан мамнунман.

Анжуман юқори савияда ташкил этилган. Турли давлатлардан келган инвесторлар муҳокамаларга киришган. Йирик иқтисодий лойиҳалар имзолашни кутиляпти. Бундай тадбирлар мамлакат иқтисодиётида муҳим ўрин тутаяди. Хорижлик инвесторларни қўллаб соҳалар қизиктириётганига гувоҳ бўляпмиз. Хусусан, испанияликлар, асосан, энергетика, транспорт ва туризм соҳаларида инвестиция киритишни кўзлаган. Ҳамкорликни кенгайтириш, форум натижалари юқори бўлишидан умидворимиз.

“Янги Ўзбекистон” муҳбири Ирода ТОШМАТОВА ёзиб олди.

БИЗ ВА ДУНЁ

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ЧЕТ ЭЛ КОМПАНИЯЛАРИ УЧУН ЭНГ ИШОНЧЛИ ҲАМКОРГА АЙЛАНМОҚДА

2 май куни пойтахтимизда учинчи Тошкент халқаро инвестициявий форуми ўз ишини бошлади. Форумга дунёнинг 93 мамлакатидан икки ярим мингдан зиёд хорижий ишбилармон ва сиёсий доира вакиллари ташриф буюрди.

Нина ЛИНДЕ, Латвия Фанлар академияси Иқтисодиёт институти директори, профессор:



— Ўтган вақт мобайнида Тошкент халқаро инвестиция форуми Марказий Осиё минтақасидаги энг йирик бизнес музокаралар платформаси мақомига эга бўлди. Бугун тадбирда инвестициявий, савдо-иқтисодий ҳамкорликни оширишнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди, бизнес юристида янги ғоя ва ёндашувлар ишлаб чиқилди. Тошкентга дунёнинг 93 давлатидан икки ярим мингдан зиёд хорижлик меҳмонлар ташриф буюргани форумнинг аҳамияти тобора ортиб бораётганидан далолат.

Мазкур форум қатнашчилари ўтган йилдагидан кўра анча кўпайганини айтиш жоиз. Бу эса Ўзбекистондаги иқтисодий имкониятларга қизиқиш тобора ортаётганидан далолатдир.



Ван СЯНЫЦЗОЙ, Хитойнинг Россия тадқиқотлари маркази директори ўринбосари, профессор:

— Аввало, Ўзбекистоннинг Тошкент халқаро инвестиция форумини ўтказаятгани хорижий сармояларни жалб этишнинг самарали усули, деб ўйлайман. Сўнгги икки йилда мамлакатга жалб қилинган хорижий инвестицияларнинг ҳажми кескин ортгани буни исботлайди. Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистонда инвестицияларни жалб этиш бўйича “яшил” энергетикани, молиявий ҳамкорликни, фойдаланиш қазилмаларини, “ақлли” ва рақамли технологияларни, транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ва бошқа бешта устувор йўналишга алоҳида тўхтади. Давлатингиз раҳбарининг нутқи биз учун жуда муҳим, чунки у стратегик аҳамиятга эга бўлди. Президент, шунингдек, Ўзбекистон бу соҳаларга инвестиция киритишга устувор аҳамият

қаратиши, бу жуда тўғри сиёсат ва йўналиш эканини таъкидлади. Хитойнинг кўплаб компаниялари ушбу йўналишлардаги лойиҳаларга қизиқиш билдиришда ва тендерларда фаол иштирок этиб, ўзбекистонлик ҳамкорлари билан самарали алоқаларни йўлга қўйишга интиляпти.

Ўзбекистоннинг сўнгги бир неча йил ичида хорижий инвестицияларни жалб этиш борасида эришган ютуқларидан мамнунман. Мамлакатингиз раҳбари томонидан олиб борилаётган янги сиёсат ва чора-тадбирлар мени руҳлантирди. Улар мамлакатнинг янгиланган Конституцияси руҳини ўзда акс эттиради, янги Ўзбекистонини бунёд этишда, иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш ва халқ турмуш даражасини юксалтиришга фаол ҳисса қўшмоқда.

Ким ЁНГ ГУ, Корея – Ўзбекистон бизнес уюшмаси раиси, “Shindong Resources” компанияси раҳбари:



— Учунчи Тошкент халқаро инвестиция форуми Ўзбекистон имкониятларини муҳокама қилиш учун бизнес вакиллари, ҳукумат ва инвесторларни бирлаштирган муҳим тадбирдир.

Давлат раҳбари мазкур форумда иштирок этиб, Ўзбекистон ҳукуматининг инвесторларга ёрдам беришга тайёригини таъкидлади.

Ўзбекистон Президенти инвестициявий муҳитни яхшилаш, тадбиркорликни ривожлантириш учун шарт-шароит яратиш, инвесторлар имкониятларини кенгайтиришга қаратилган муҳим ғоя ва таклифларни билдирди. Масалан, 20 гигаваттдан ортиқ қайта tikланидиган энергия қувватини яратиш ва унинг улушини 2030 йилгача 40 фоизга етказиш мақсадида Ўзбекистоннинг “яшил” энергия бўйича улкан режаларини намоиш этади.

Жаҳондаги етакчи компаниялар билан биргаликда йирик шамот ва қуёш электр станцияларининг ишга туширилиши, “ACWA Power” компанияси билан биргаликда амалга оширилаётган “яшил водород” лойиҳаси ҳам бу соҳадаги салмоқли ютуқлардир.

Мазкур лойиҳалар давлат-хусусий шериклик асосида тўғридан тўғри хорижий инвестициялар ҳисобидан амалга ошириляётгани ва мамлакатда “яшил” энергетикани ривожлантиришга хизмат қилётгани алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Қўшни Қирғизистон ва Тожикистонда гидроэлектр станцияларини ҳамкорликда қуриш лойиҳаларининг тақдими минтақани барча давлатлари етакчи компаниялари билан бу йўналишда очиқ мулоқот ва амалий ҳамкорлик қилиш учун янги имкониятлар очмоқда. Бу, шубҳасиз, энергетиканинг барқарор ривожланишини таъминлаш ва минтақанинг умумий фаровонлигига ҳисса қўиши йўлидаги муҳим қадам бўлади.

Қайд этиш керакки, форум иқтисодий ўсишни рағбатлантириш ва инвестициявий муҳитни яхшилашга қаратилган стратегик ташаббус ва лойиҳаларни эълон қилиш платформасига айланди. Унда қатнашаётган иштирокчилар сонининг ўсиши ва ранг-баранглиги Ўзбекистон бозорига қизиқиш ортиб бораётганидан, шунингдек, Президент Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларга билдирилётган юксак ишончдан далолат беради.

Жонатан ХЕНИК, Америка Қўшма Штатлари элчиси:



— Ўзбекистонда йилдан йилга қатор ижобий ўзгаришларга гувоҳ бўляпман. Хусусан, хорижий инвестицияларни рағбатлантириш ва жалб этиш бўйича ҳукумат томонидан қатор дастурлар илгари сурилмоқда. Шу билан бирга, ҳали қилиниши керак бўлган ишлар ҳам бор ва бу бир оз вақт қилинадиган масаладир. Аммо энг муҳими саяё-ҳаракатлар тўхтаб қолгани йўқ.

Шунингдек, мазкур форум қатнашчилари ўтган йилдагидан кўра анча кўпайганини айтиш жоиз. Бу эса Ўзбекистондаги иқтисодий имкониятларга қизиқиш тобора ортиб бораётганидан далолатдир. АҚШ компанияларининг ушбу форумга қизиктириётгани ҳам кўпроқ қизиқиш билдираётгани эса бизни қувонтирмоқда.

Тимоти СМАРТ, Буюк Британия элчиси:



— Янги Ўзбекистон тўғридан тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишга ҳаракат қилмоқда. Ишбилармонлик муҳити ва экотизимни ривожлантириш бўйича катта ишлар амалга оширилоқда.

Ўзбекистондаги иқтисодий ислохотларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаймиз. Шунингдек, Ўзбекистон иқтисодиётини янада ривожлантириш имкониятларини топишга, Буюк Британия билан савдо алоқаларини кенгайтиришга биргаликда интиламиз. 2016 йил охиридан буюн мамлакатдаги иқтисодий ривожланиш даражаси менда катта таассурот қолдирди. Бу ҳақиқатан ҳам ажойиб. Таълимдан тортиб, “яшил” иқтисодиётга бўлган соҳаларда ҳамкорликда ишлашимиз мумкин бўлган қўллаб-қувватлашни кўрапман.

ЯШИЛ МАКОН

ЯШАЁТГАН "МЕНИНГ БОҒИМ"



Кўчат экиш, боғ яратиш — эзгу амал. Ота-боболарнинг фарзанду невараларига атаб дарахт экиши авлоддан авлодга ўтиб келаётгани ҳам бежиз эмас. Уша экилган ниҳоллар, шу жумладан, теракларнинг қурилажак янги уйга синч ёки устун бўлиши ният қилинган.

Абдурауф ҚОРЖОВОВ, иқтисодий шарҳловчи



Гап терак ҳақида борар экан, унинг бошқа жиҳатларини ҳам эсга олиш зарур. Масалан, у юртимиздаги энг яхши ҳаво тозаловчи дарахтлардан. Карбонат ангидридни ўзига синдириб, нинабаргли дарахтларга нисбатан 10 баробар кўп кислород ҳосил қилади. Шу билан бирга, зарарли микробларни ўлдирувчи фитонцидлар ҳам ишлаб чиқаради.

Эки тут дарахтини олайлик. У заминимизда кўп асрдан буён экилиб, меваси, шарбат, шининиси ва майиздан фойдаланиб келинади. Тут экилган ҳудудда яшовчи аҳоли сил касаллигига чалинмайди. Мевасидан шифобахш ҳар хил дәмлама ва қайнатмалар тайёрланади. Барги ипак куртки учун асосий озуқа манбаи. Илдири туپроқ унумдорлигини ошириб, зарарли моддалардан асровчи мелиоратор вазифини бажаради.

Ортимизда ўсувчи ҳар бир дарахтнинг биз билган ва билмаган ҳосияти кўп. Уларни етиштириш ва парваришда бўйича эса қадимдан катта тажриба тўпланган. Энг муҳими, бу жараён айни кунда янгича мазмун ва кўламда давом этаётти. "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси бу саъй-ҳаракатларнинг энг муҳими. Унинг доирасида мамлакат миқёсида ҳар йили 200 миллион тупдан манзарали ва мевали дарахт ҳамда бутта қаламчаларини экиш орқали йирик шаҳарларда яшиллик даражасини 8 фоиздан 30 фоизга етказиш режалаштирилди.

Ўтган уч йилда мамлакатимизда жами 500 миллион тупга яқин дарахт ва бутта кўчати экилди, 935 гектар яшил боғ ва 893,5 гектар яшил жамоат хiebонни ташкил этилди. Шунга қарамай, соҳада ечимини кутаётган айрим муаммолар сақланиб келаётган эди. Хусусан, "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасидаги тадбирларни молиялаштириш жараёнини тизимли йўлга қўйиш талаб этиларди. Яна бир томони, айрим раҳбарлар бу ишни ўз ҳолига ташлаб қўйган эди. Кўчатлар сугориш тизими мавжуд бўлмаган ҳудудларга экилгани сабаб ўтган йили август ойига келиб, 10 миллион ниҳол нобуд бўлган. Йўллар бўйида кўчат экиш ишлари 33 та туман ва шаҳарда умуман бажарилмаган.

Йили мажур рақам 1097 тага тенг бўлган. Бу дарахт кесиш ҳолати 2022 йилга нисбатан қарийб 40-50 фоизга камайганидан далолат беради.

Айни пайтда жамоатчилик назорати кучайтирилган. Дарахтларни кесганлик учун жавобгарлик ҳам ошган. Шу йил аввалидаги тартиб бўйича диаметри 1 метрли бир туп қимматбаҳо дарахт кесган шахс ёки ташкилот 100 миллион сўмга яқин жарима тўлайди.

Вазирлик ходимларининг мониторинги натижаларига кўра, 2022 йил куз ва 2023 йил баҳор мавсумида экилган кўчатларнинг 10 миллион тупга яқини қуригани аниқланган. Шундан 7,5 миллионга яқини сувсизлик оқибатида нобуд бўлган. Бу йўқотиш ўрнини қоплаш учун 2023 йил куз мавсумида режадан ортиқ 92 миллион туп дарахт экилди. Шу билан режа 108 фоиз бажарилди.

2023 йил 11 август кунги ўтказилган йиғилишда давлатимиз раҳбари ўз ҳудудда экологик вазиятни яхшилаш, аҳолига қулай яшаш ва тоза ҳаво муҳитини яратиш энди ҳокимларнинг энг асосий вазифаларидан бири бўлишини таъкидлади. Тегшли ҳудудлар раҳбарларига қаровсиз қолган 10 миллион туп ниҳол ўрнига яна шунча дарахт кўчатини сув таъминоти яхши ҳудудларга экиш топширигини берди. Бундан буён кўчат экиш тадбирлари ҳар йили тасдиқланган инвестиция дастури асосида бажарилиши белгиланди. Бу мақсад учун аввалги йилларга нисбатан 10 баробар кўп — 500 миллиард сўм йўналтирилади.

Президентимизнинг ўтган йил 23 ноябрдаги "Республикада яшиллик даражасини янада ошириш, "Яшил макон" умуммиллий лойиҳасини изчил амалга ошириш орқали экологик барқарорлиқни таъминлаш чоратадбирлари тўғрисида"ги фармони ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлик Маҳкамасининг 2024 йил 26 мартдаги "Жамоатчилик



Вазирлик ходимларининг мониторинги натижаларига кўра, 2022 йил куз ва 2023 йил баҳор мавсумида экилган кўчатларнинг 10 миллион тупга яқини қуригани аниқланган. Шундан 7,5 миллионга яқини сувсизлик оқибатида нобуд бўлган. Бу йўқотиш ўрнини қоплаш учун 2023 йил куз мавсумида режадан ортиқ 92 миллион туп дарахт экилди.

эга бўлиши, яшил боғ ва яшил жамоат парклари барпо этиш учун сугориш тизимини ўрнатиш, экилган дарахт ҳамда бутта кўчатларини уч йил парваришлаш, касаллигу зарарқунадаларга қарши курашиш тадбирларини ўтказиш зарур.

Бундай кенг кўламли ишларни бажариш, биринчи навбатда, сифатли кўчат етиштиришни тақозо этади. Бу юмуш қим ва қайси ташкилот томонидан бажарилади?

— Бу борада ўрмон ҳўжаллиги ходимлари режали ишлаяпти, — дейди ўрмон ҳўжаллиги агентлиги директори ўринбосари Ғолибжон Қурбонов. — Жумладан, бу йил ўрмон фондининг 7 минг гектар майдони ўзлаштирилди, фойдаланишга киритилди. Чўл ва бошқа турдаги ерда экишга мўлжалланган дарахт ва бутталарнинг 1150 тонна уруғи жамғарилади. Худудларнинг туپроқ-иқлим шароитига мос 122 миллион туп кўчат етиштирилди. Экологик вазиятни яхшилаш мақсадида 240 минг гектар ўрмонзор, жумладан, Орол денгизининг қуриган туби ва Оролбўйи ҳудудидаги 226 минг гектар майдонда яшил қоплама барпо этилади.

"Республикада яшиллик даражасини янада ошириш, "Яшил макон" умуммиллий лойиҳасини изчил амалга ошириш орқали экологик барқарорлиқни таъминлаш чоратадбирлари тўғрисида"ги фармонда 2024 йили ўрмон фондининг 1,5 минг гектар майдонига касаначилик асосида кўчат етиштириш орқали камиди 10 минг кишининг бандлиги таъминланиши белгиланган. Бунда ўрмон фондидаги ернинг жорий ҳолати (тои-фасидан келиб чиққан ҳолда касаначилик асосида кўчат етиштирувчи ҳар бир фуқарога камиди 5 гектаргача ер шартнома асосида бириктирилади. Талаб этилаётган дастлабки мақсадли маблағ Экология жамғармаси ҳисобидан ажратилади. Ҳар бир кўчатни кафолатли сотиб олиш тизими яратилади.

Автомобил, темир йўл, дарё ва каналлар ёқаси, давлат органлари ва ташкилотлари ер участкасининг фойдаланилмаётган қисмида (ўрмон фонди ери бундан мустасно) яшил боғ уйиш ер эгалари, фойдаланувчилари ҳамда ташаббускор жисмоний ва юридик шахслар ўр-табдида 10 йилгача тегишли шартда тўғридан



Маҳалланинг бир куни

ЕТОВЛОН ЕТУК БЎЛСА...



Гулнора Бобоқулова эрта тонг "Зилон" маҳалла фуқаролар йиғини идорасига келганида Жиззах шаҳридаги энг гавжум Муस्ताқиллик кўчасидан ондасонда машиналар ўтиб турарди, одамлар деярли кўринмасди. Ишга бунчалар барвақт келишига сабаб бор. У кеча ҳафталик режани белгилаб, "еттилик" билан маслаҳатлашиб олмоқчи эди. Лекин қабулга анча одам келиб, режа тузишга ҳам вақт бўлмади.

Иш столини тартибга келтиргач, режага киритилган вазифаларни қоралай бошлади. "Биринчи навбатда "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси бўйича кўчаларда қилинадиган ишларни киритиш керак, — деб ўйлади у. — Томорқаларни кўқаламзорлаштириш ҳам жуда долзарб масала. Маҳалладаги ҳар бир томорқада озик-овқат маҳсулотлари етиштиришни оммалаштириш зарур, асосий кучни шу масалаларга ташлашимиз керак, агар кунлар исиб кетса, кеч бўлади".

Режанинг дастлабки нусхаси тайёр бўлганида бирин-кетин ходимлар ҳам кела бошлади.

— Опа, кеча барвақт келибсиз, тинчликми? — деди ҳоким ёрдамчиси Музаффар Холиқов.

— Ҳа, кеча улгурмаган ишларимни охирига етказиб қўйдим. Ҳамма келгач, хонамда йиғилайлик, ҳафта давомида бажарилиши зарур вазифаларни белгилаб оламиз.

Зилон маҳалласи фаоллари ҳар бир иш кунини шундай бошлайди. Беш дақиқа вақт маслаҳатлашув ва ишлар тақсимога ажратилади. Бугунги маслаҳатлашув бир оз чўзилди. Чунки ҳафта мобайнида энг зарур вазифалар белгилаб олинди.

— Кўчаларга экилаётган кўчатлар парваришини ташкил этиш, томорқалардан самарали фойдаланиш, умуман, ҳар бир хонадонда иссиқхоналар бўлишини таъминлаш, озик-овқат маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш биринчи навбатдаги вазифамиз. Маҳалладаги оқсоқоллар, иссиқхона қурган фуқароларимиз иштирокида кўчаларда йиғилишлар ўтказиб, тушунтириш ишлари олиб боришимиз керак, — дейди Гулнора Бобоқулова.

Ишнинг режали ташкил этилиши натижасида маҳалладаги 10 чакирмон ички йўлга асфальт ётқизилди. 1,5 километр пидеалар йўлга қурилди. Эскириб, муддатини ўтаган 85 та симёғоч ўрнига бетон устунлар ўрнатилди, 4 та трансформатор тўкики таъмирланди, 4 та трансформатор тўкики таъмирланди. Бу ишларнинг ижобий ҳал этилишида Гулнора Бобоқулованинг жонкуярлиги, талабчанлиги, аҳоли хоҳиш-истагини ҳокимликка кўтариб чиқа олгани сабаб бўлди.

У зини тузиб чиққан режани "маҳалла еттилиги" эътиборига ҳавола этиб, уларнинг тақдирлари асосида янада мукамал ҳолга келтирди.



— Опа, кечаги оилавий мижозрода кувёб билан келиб бир тўхтамак келмади, уларни нима қиламиз? — деди хотин-қизлар фаоли Комиля Рашидова.

— Мен ҳаммасини ўйлаб қўйдим, кувёбнинг кўп йиллар ўқитувчи бўлиб ишлаган амакиси бор. У билан бирга бориб, оиладаги галвага барҳам берамиз, — деди Гулнора опа. — Яна бир гап, хонадонларга қандай иш билан борманг. Ўзингизга бевосита тегишли масалаларни ҳам ҳал қилинг.

Дарҳақиқат, бугун маҳаллаларда иш қизгин. Бир иш охирига етмай, иккинчиси рўпара бўлади. Яхшиям "маҳалла еттилиги" ташкил этилди. Аввалги маҳалла тузилмаси билан бундай кенг кўламли ишларни уйдалаб бўлмасди. Масалан, ҳозир солиқчи хонадонларни айланар экан, фуқароларни тадбиркорликка ҳам ундайди, анҳи ҳисоб-китоблар билан оилага келадиган фойдани кўрсатиб бера олади. Қолаверса, маҳаллада тадбиркор кўпайса, солиқлар миқдори ҳам ортиб боради. Ёшлар етказиси маҳалла аҳлининг асосини ташкил этувчи йиғит-қизлар билан

фикри асосида ишлаб чиқилган "Менинг боғим" лойиҳаларини шакллантириш ва молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низоимни тасдиқлаш ҳақида"ги қарори қабул қилинди.

— Энди "Яшил макон" умуммиллий лойиҳасини амалга оширишда республика бюджетидан ҳар йили ажратилаётган маблагнинг камиди 50 фоизи яшил боғ ва яшил жамоат парклари ташкил қилиш учун "Озиқ бюджет" ахборот портали орқали жамоатчилик фикри асосида ишлаб чиқилган "Менинг боғим" лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтирилади, — дейди Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги бош мутахассиси Исмаил Дилмуродов. — Бунинг учун қиймати 250 миллион сўмдан ошмаган ташаббуслар илгари сурилди. Бу борадаги лойиҳаларни шакллантириш ва овоз бериш жараёни ҳар йили январь-февраль ойларида ўтказилиши белгиланган. Уларни баҳолаш, саралаб олиш ҳамда ижросини мониторинг қилиш бўйича туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳузурда мустақил вазирлик ва идоралар вакилларидадан иборат ишчи гуруҳлар тузилди.

Яна бир аҳамиятли томони, лойиҳалар ижросини таъминловчи пудратчи ташкилотлар зиммасига аниқ талаблар қўйилган. Хусусан, улар дарахт, бутта кўчатларини етиштириш ва экиш бўйича камиди уч йиллик тажрибага

қилади. Маҳалла ҳудудида 12 та давлат ташкилоти мавжуд. Битта мактаб, битта давлат мактабгача таълим ташкилоти бор.

— Маҳаллаимизда мактаб ёшигача бўлган болалар кўпчилиги ҳисобга олиб, уйлarda 20 та МТТ ташкил этдик, — дейди Гулнора Бобоқулова. — Натижада қамвор 90 фоизга етди.

Зилонда аҳолини тадбиркорликка жалб қилишга катта эътибор берилляпти. Айниқса, маҳалладаги экин экишга яроқли 11,5 гектар томорқада озик-овқат маҳсулотлари етиштириш, бу жараёни ил-ўн икки ой давом этириш мақсадида иссиқхоналар барпо этиш ҳоким ёрдамчиси Музаффар Холиқовнинг асосий иш мезони ҳисобланади.

— Узини ўзи банд қилиш, яқна тартибда тадбиркорликни юритиш, ҳўнармандлик, уч-тўртта хотин-қизни уюштириб, тикувчиликка жалб қилиш дари ўтди. Маҳаллаимизда турли кўламда тадбиркорлик билан шуғулланаётган 450 киши бор. Энди уларни йирик корхоналарга, ҳар бирда камиди 50-100 ишчи-ходими бор иқтисодийёти бақувват ишлаб чиқариш ташкилотларига айлантириш учун ҳаракатдамиз, — дейди Музаффар. — Утган йили бир аёл 30 миллион сўм имтиёзли кредит олиб, тикув цехи ташкил этди, ўн хотин-қизни иш билан таъминлади. Бу ил-ўн икки киши иш билан таъминлади. Бу ил-ўн икки киши иш билан таъминлади. Бу ил-ўн икки киши иш билан таъминлади.

Музаффар Холиқов Президентимизнинг "Бир ойда битта оилага ёрдам берсангиз, йилга 12 та, иккитадан бўлса, 24 та оила рози бўлади. Ҳоким ёрдамчиси бир ойда 10 тагина одамни иш билан таъминласа бўладими? 10 тани 9940 га (Ўзбекистон маҳаллаларидаги ҳоким ёрдамчилари сони) кўпайтирса, қанча одам бир ойда иш билан таъминланади", деган сўзларини тез-тез такрорляйди.

Музаффар Холиқов Президентимизнинг "Бир ойда битта оилага ёрдам берсангиз, йилга 12 та, иккитадан бўлса, 24 та оила рози бўлади. Ҳоким ёрдамчиси бир ойда 10 тагина одамни иш билан таъминласа бўладими? 10 тани 9940 га (Ўзбекистон маҳаллаларидаги ҳоким ёрдамчилари сони) кўпайтирса, қанча одам бир ойда иш билан таъминланади", деган сўзларини тез-тез такрорляйди.

— Агар битта кичик тадбиркорлик субьектини бизнесга жалб қилиб, йирик корхонага айлантирсак, ўнлаб, юзлаб одам ишли бўлиб қолади. Энди кун тартибига масалани шу тахлитда қўйишга ўрганишимиз зарур. Маҳалла раисидан кўп ишларни ўрганяёмиз. Қанда у Тошкент вилоятидан 20 мингта жўжа олиб келиб, хонадонларга тарқати. Унга ҳеч ким шу ишни қилсан, деб топшириқ бермаган, ўзи ташаббус кўрсатди, жўжа сотиб олишга ҳам ўзи маблағ топди. Бундай инсонлар ёнингда елкадош бўлса, чарқоқни ҳам унутсан, янги гоилар пайдо бўлади, — дейди у.

Ҳаётнинг чорак асрини маҳаллага бағишлаган Гулнора опа шу йил 8 март арафасида "Шухрат" медали билан мукофотланди. Бу эътироф "еттилик"ка қўш қанот бағишлади.

тўғри тузиладиган икки томонлама шартнома асосида барпо этилади. Ер участкалари республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига яшил боғ яратиш учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида берилади.

Мамлакатимиздаги 1,5 минг фермер, деҳқон ҳўжалиқлари ҳамда томорқа ер эгалари 81 миллион тупдан зиёд тут, тоқ, тоғ, ёнғоқ ва бошқа дарахтлар ниҳолини парваришламоқда. Бу савобли ишни давом эттириш учун ҳар бир хонадон эгаси ўз томорқасига, маҳалла гузарни ва кўчасига 10 тупдан кўчат ўтказса, юртимизда шу йилнинг ўзида ўртача 55 миллион туп дарахт экилади.

Ҳақиқатан, кўчат етиштириш ва аҳолининг унга эҳтиёжини таъминлашда томорқа ер эгаларининг ўрни катта. Бу жараёнда эркин бозор муносабатлари амал қилаётгани уларга даромад келтиряпти ва манфаатдорлигини оширяпти. Бунга Фаргона вилояти Қува тумани боғбонлари фаолиятини мисол келтириш мумкин. Худудда ҳар йили ўртача 100 миллион туп кўчат етиштирилади. Бунинг учун 25 мингдан ортиқ хонадондаги томорқаларда манзарали, мевали кўчатлар парваришланади. "Қорақум", "Янги чек", "Толмозор", "Маданият", "Тулистон" каби маҳалла фуқаролар йиғинларидаги аҳоли, асосан, шу юмуш билан шуғулланади. Кейинги пайтда атиргуччилик ҳам аксарият маҳаллаларнинг даромад манбаига айланиб борапти. Бир оила бундан йилига 40-50 миллион сўм даромад олмақда.

Бундай тажрибани юртимизнинг ҳар бир ҳудудидан мисол келтириш мумкин. Қишлоқда яшаб, томорқасини чаманзорга айлантираётганларга ҳавасимиз келади. Катта шаҳарлардаги кўп қаватли уйлarda яшаётганлар учун ҳам имкониятлар юзага кела бошлади. Масалан, Чакра маҳалласи пойтахтимизнинг қоқ марказида жойлашган. Аксарияти кўп қаватли хонадонлардан иборат. Яқингача 12 қаватли уйлар қад ростлаган мавзедоги бинолар атрофи кўримсиз ҳўли келган, пастиқи қаватда яшаётганлар ўзи уйи олдига дарахт ёки гул эккан бўлса-да, оқар сўв бўлмагани боис, ҳаққисираб парваришлаб келарди.

Шу йил аввалидан манзара тубдан ўзгарди. Бинолар олдига яшил йўлақлар пайдо бўлди, болалар учун турли спорт майдончалари барпо этилди. Улар атрофи эса яшил ҳудудга айлантирилди. Энг муҳими, юқори қаватлида яшайдиганларнинг ҳам ана шу боғчаларда ўз дарахти ва гули бор. Ниҳолларга илиб қўйилган ёрликларда хонадон эгаларининг иси ёзилган. Хуллас, ҳар бир кўчатнинг ўзи эгаси бор. Шунинг учун япроқлари тобора янгилашиб борапти.

Шу кунларда мамлакатимиздаги барча дарахт рақамлаштирилиб, катловдан ўтказилмоқда. Тошкент шаҳрида эса синов тариқасида дарахтлар паспортлаштирилляпти. Ҳамма билди: фуқаролик паспорти инсоннинг шахсини тасдиқловчи асосий ҳужжат бўлибгина қолмай, гурур, ифтихор рамзи ҳамдир. Фуқаролик паспортига эга киши давлат ҳимоясида бўлади. Мана энди шундай ҳужжат дарахтларга ҳам берилляпти.

нага айлантирсак, ўнлаб, юзлаб одам ишли бўлиб қолади. Энди кун тартибига масалани шу тахлитда қўйишга ўрганишимиз зарур. Маҳалла раисидан кўп ишларни ўрганяёмиз. Қанда у Тошкент вилоятидан 20 мингта жўжа олиб келиб, хонадонларга тарқати. Унга ҳеч ким шу ишни қилсан, деб топшириқ бермаган, ўзи ташаббус кўрсатди, жўжа сотиб олишга ҳам ўзи маблағ топди. Бундай инсонлар ёнингда елкадош бўлса, чарқоқни ҳам унутсан, янги гоилар пайдо бўлади, — дейди у.

Ҳаётнинг чорак асрини маҳаллага бағишлаган Гулнора опа шу йил 8 март арафасида "Шухрат" медали билан мукофотланди. Бу эътироф "еттилик"ка қўш қанот бағишлади.

Ана шу шуқайфият, кўтаринкилик билан "Яшил макон" умуммиллий лойиҳасида белгиланган вазифаларни бажаришга киришилди. Барча бўш турган жойлар хариталари чизилиб, об-ҳавонинг қулай келганидан фойдаланган маҳалла аҳли 4000 туп дарахт қўчати, 3000 дан ортиқ терак ва бутта қаламчалари экди.

— Маҳалла кўчаларини обод қилиш қийин иш эмас, ҳаҳар эълон қилинса, халқимиз уйдига ишни ташлаб чиқиб келади. Аммо мақсадимиз бир йўла хонадонларни ҳам обод қилишдир. Ҳозир инсталган ҳўлига кириб кўринг, яшиллик ва орасталкидан кўнгилнингиз яйрайди. Бунда маҳаллаимиз нурунийларининг ҳиссаси беқеъс. Ҳамроқул ота Жаббаров, Зоиржон Расуловни маҳалла аҳли эъзозлаб, "элбоши" дейди. Улар доим ёнимизда, маҳалла фаолларига маслаҳатгўй, ёшларга йўл кўрсатувчи, бирорта маърака уларсиз, йўл-йўриғисиз ўтмайди. Шунинг учун маҳаллаимизда жиноят йўқ, тинчлик-осудалик ҳукмдор, — дейди маҳалла раиси Гулнора Бобоқулова.

Жиззахда янги мақол пайдо бўлди: "Олтовлон ола бўлса, озгиданг олдиран, еттовлон етук бўлса, унмагани ундирар". Аслида, мақол азалдан бор эди. Аммо ижодкор халқимиз узи "маҳалла еттилиги"нинг давримиздаги аҳамиятига мослаб, бир оз ўзгартирди. Нима ҳам дердик, халқимизга шу маъқул бўлса, бизга ҳам маъқул.

Асад МУСТАФОЕВ, журналист

3 май — Жаҳон матбуоти эркинлиги куни

Чамаси 12 йил аввал бўлса керак, республика нашрларида бирида ишламан. Лавозим ҳам чакки эмас — бош муҳаррир ўринбосари. Иқтисодий аҳвол танглиги боис, штат оз, тахририятимизда мақола ёзиши мумкин бўлган мухбирларни бир қўлнинг бармоғида санасангиз, ярми ортиб қолади. Шунинг учун унда-бунда мақола, тадбирлардан хабарлар ёзиб, саҳифаларни тўлдиришга ҳисса қўшиб туришимга тўғри келадиган шaroит. Боз устига, маоши озлиги учун фотограф ўрни ҳам бўш. Аммо яхши, ўша пайт учун илгор замоний фотоаппарат бор.



Бир куни Асака заводда ишлаб чиқариши йўлга қўйлаётган автомобилнинг янгиланган модели тақдимот маросимида тақлифнома ташлаб кетишди. Бу яхши янгилик, албатта, еритишимиз керак, деган қарорга келдим. Тадбир кечки пайтга белгиланган экан. Суратга ҳам тушириб келаман деб фотоаппаратни шартта елкага

дий жиноятчи эдим гўё. Ўзимни таништирдим. — Журналист бўлсангиз, раҳбаримизни суратга тушириши мумкин эмаслигини нега билмайсиз? Нима мақсадда Фалончи Фалончиевични расмга олдингиз? Қарасам, вазият анча жиддий. Пачакилашиб, ҳаммамнинг эътиборини ўзимга тортигим

ФИДОЙИЛИК ФОРМУЛАСИ

ТОПҚИРЛИК, ЗУККОЛИК ВА ҲАЛОЛЛИК ЭВАЗИГА ТОПИЛАДИ



Нодир МАҲМУДОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

илиб, манзил — Тошкент шаҳридаги Турин политехника университетига қараб йўл олдим. Таълим муассасасининг кўчадан киривериши дабдабали безатилган, ичкарида оркестр мусиқа чалаяпти. Турдаги саҳна ўнлаб чиқоқлар ёруғида жозоба касб этган. Бу ерга кеча “қаҳрамони”ни олиб чиқишга керак. Янгиликдан беҳабар қолмай деб келган меҳмонлар анчагина, орасида ҳамкасбларимиз ҳам бор. Уларнинг даврасига қўшилдим. Соат белгиланган вақтдан ўтиб кетди ҳамки, тақдимот бошланай демасди. Ҳамроҳларим билан “Қоронғи тушишни куттириш”, “Йўқ, каттақонлар келса, кейин бошлашадим” каби тахминларни муҳокама қилишга киришиб кетдик.

Бир пайт гала-говур кучайди, бўйдор, расмий кийинган 3-4 йилгит одамлар орасидан минбар томон йўл оча бошладим. 5-6 чолги киши ўша йўлдан ўтиб, саҳнага кўтарилди. Бошловчи виқор билан турган шахсларни таништирдим — битта хорижлик меҳмон, 2 таси соҳа мутасаддиси ва биттаси уюшманинг энг каттаси экан. Бу каттанинг исми-фамилиясини эшитганим, аммо ўзини энди кўришим эди. Дарҳол фотоаппаратни олиб, суратга тушира бошладим. Ахир қаршимда кимсан — Фалончи Фалончиев! Биров тирсагимдан ушлагандек бўлди.

— Кечирасиз, сизни бир минутга мумкинми? Бузуқ талаффузда гапирган ёш ходим мени чеккага тортиди. — Тинчликми? — сўрадим нима бўлаётганини анигламай. — Сиз кимсиз, ҳужжатларингиз борми, қаердансиз? — йингитча саволимга саволларни қалаштириб ташлади. Гаплари таҳдидли, оҳангда расмий тус ҳукморон. У терговчи, мен катта жиноят устида қўлга тушган ашад-

келмади. Гапга аралашмас-да, атрофда яна 2-3 таси пайдо бўлди. Хуллас, “ширин суҳбатимиз” фотоаппаратдан туширган суратларим ўчириб ташланиши билан яқун топди. Кейин сал нарида ҳолатни кузатиб турган таниш профессионал фотомуҳбир ака-миз ёнимга келиб, далда берган бўлди: — Бизда шунақа, арбобларни суратга олиш мумкин эмас, улар матбуотдан кўради. Сиз фотограф эмассиз-да, кўникиб кетасиз хали...

Журналистика — заҳматли меҳнат, фаолият. Бу заҳмат бир умр давом этади. Замонлар ўзгаргани сари матбуот олдиди янги-янги вазифалар пайдо бўлади. Ҳар бир чиқишида оҳорли сўз айтиш, муштарий онг-шуурга таъсир кўрсатиши, янги фикр ва ғояларни шакллантириш эса осон нш эмас.

ти очилгани ва шаффофлиги эришишининг янги босқичини бошлаб берди, ахборот олиш эркинлигини таъминлаш орқали жамоатчилик назоратини такомиллаштириш борасида дадил қадамлар қўйиш учун ҳуқуқий асос вазифасини ўтамоқда.

Шунингдек, ўтган йили янгиланган Бош конунимизда ушбу йўналишдаги конституциявий қондалар янада мустаҳкамлаб қўйилгани юртимизда бу борадаги саяё-ҳаракатлар бардам эканидан далолат. Айни сабаб ОАВ бугун халқ овози, том маънода “тўғринчи ҳокимият”га айланиб бормоқда. Балки кимларнингдир наздида ҳали қадамларимиз салмоғи кутилганидек катта эмасдир, лекин силжишларни инкор қилиб бўлмайди.

Давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 27 июндаги “Оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ва журналистика соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори журналистикадаги тўғрилик қолган бир қанча муаммоларни қамраб олгани билан эътиборга молик бўлди.

Қарорда журналистлар ўртасида ҳар йили анъанавий ўтказиб келинаётган ва айнан 3 май — Жаҳон матбуоти эркинлиги кунида ғолиблари аниқланадиган “Олтин қалам” миллий мукофоти учун халқаро танловни демократик тамойиллар асосида янада очик ҳамда шаффофлик билан ўтказишга эътибор қаратилиши қайд этилган. 2023 йилдан бошлаб танловнинг бош мукофоти учун автомобиль, биринчи ўрин учун базавий ҳисоблаш микдорининг 200 баравари, иккинчи ўрин учун 175 баравари, учинчи ўрин учун 150 баравари, 12 та рағбатланти-

рувчи номинациянинг ҳар бири учун 100 баравари микдорда бир мартали пул мукофоти берилиши белгиланган.

БМТ Инсон ҳуқуқлари комиссияси эътирофига кўра, сўз эркинлиги — инсон ривожланишининг ажралмас омили. Инсоннинг ҳақ-ҳуқуқлари, манфаатларини демократиясиз, сўз ва матбуот эркинлигисиз тўла таъминлаб бўлмайди. Сўз эркинлиги, матбуот эркинлигини демократиянинг ҳаёт-бахш қон томири, сарчасмасига менгаш мумкин. Таъкидлаганимиздек, юртимизда ҳам бу омили сиёсатнинг устувор йўналишига айланди. Давлатимиз раҳбари бир чиқишида: “Аччиқ ва танқидий материаллар жойларда қўллаб амалдорларга ёқмаслиги, уларнинг тинчини ва ҳаловатини бузётгани ҳам бор эди. Лекин ошкоралик ва сўз эркинлиги бу — давр талаби, бу — Ўзбекистонда ислохотларнинг талаби”, дея оммавий ахборот воситалари ходимларига қанот берган эди.

Бугун ахборотни яшириб бўлмайди. Бир жойда яширилса, албатта, бошқа жойларда чиқади. Ахборот бугун эркин айланишга ва бу сўз эркинлиги билан бевосита боғлиқ. Одамлар матбуот орқали ўз фикрини эркин билдиришмоқда. Уларни давлат органлари эшитиши керак. Уз фаолиятини танқидлар орқали таҳлил қилиб, мавжуд муаммоларни халқ этиши чораларини кўриши, мулоқотга ўрганиши лозим.

Сўнгги йиллар юртимизда сўз эркинлигини таъминлаш, эркин фикр юритиш учун ҳуқуқий ҳимояни, давлат идораларининг очиклигини кучайтириш, блогерлик макенини кўтариш, барча тоифадаги оммавий ахборот воситалари ходимларини ҳимоя қилиш борасида бир қанча амалий ишлар қилинди. Натижада фаол матбуот нақл орасида тобора ҳурмат-эътибор қозониб, “тўғринчи ҳокимият” даражасига кўтарилиб бормоқда. Оммавий ахборот воситаларида, ижтимоий тармоқларда қандай янгилик пайдо бўлмасин, турли мунозарали баҳслар, фикрлар, тортишувлар кўринишида ушбу ахборотга муносабат билдирилмоқда. Бу ҳам юртимиз оммавий ахборот воситалари ва фуқароларимизнинг фаоллашиб бораётганини кўрсатади.

“Матбуот фикрлар тилмочи, миллат ва эл-юрт ривожини йўлда хизматчи, одамлар онгу шуурининг қўёши, ҳар кимнинг виждонига тугтилган кўзгу бўлмоғи лозим”. Миллий матбуотимизнинг тамал тошини қўйган жаҳид боболаримизнинг ушбу фикрлари ҳозирги кунимиз учун ҳам ғоят муҳим аҳамиятга эга.

Замона зайли билан медиамасоҳада турли қарашлар, мулоҳазалар, муносабатлар айланади. Шулардан бири босма нашрлар ҳақидаги турли гап-сўзлардир. Газета ва журналлар электрон матбуот соҳида қўлиб кетади, дея иддао қилувчилар ҳам, буни инкор этувчилар ҳам бир нарсани сובитдилар. Яъни матбуот эркинлиги — сўз, шахс, виждон эркинлиги сингари сиёсий ҳуқуқ. У матбуотнинг эркин фаолият кўрсатишини, кишиларнинг матбуотда фикр ва туйғуларини тўсиқларсиз айти олишини ифодалайди.

Инсоният дунёқарашини кенгайтиришда оммавий ахборот воситалари, хусусан, матбуотнинг ўрни беқарс. У орқали инсонлар дунё янгиликларидан хабардор. Газета ва журналлар, сўнг ОАВнинг радио, телевидение каби турлари, айниқса, интернет пайдо бўлгач, инсоният онги ва дунёқарашини тубдан ўзгарди. Улардан тўғри фойдаланиш ва ахборотни таҳлил қилиш эса кишидан мустақил фикр, билим ва тафаккурни талаб этади.

Юқорида эслганимиз иттифоқлар урчиган, журналисту блогерлар орасида даҳанаки жанг авжига чиққан ўша кезларда ёзувчи, филология фанлари доктори, профессор Хуршид Дўстмухаммаднинг “Янги Ўзбекистон” газетасида жуда чиройли ва самимий мақола-сини эълон қилдик. Унда, жумладан, бундай биткилар бор:

“Айрим эътилолимизнинг “Газета ўз вазифасини ўтаб бўлди, унга эҳтиёж қолмади” деган ақидасини очик-ошкор айтишларни ҳам жамиятимизда қарор топаётган сўз хуруғи “меваси”, ўзига ҳок янелик. Аввало, фикр ва сўз эркинлигига даҳи кўрсатишдан ироқимиз. Лекин ўз маънавий дунёсининг гарбилик, интеллектуал заҳиф-лик ифодаси ўраоқ қилинаётган ҳарат ўрнида талқин этиши мумкин бўлган бу сингари изҳорларни эътиборсиз қолдириш гуманистик ғояларга зид деб ўйлаймиз. Бот-бот эслатишга бурчимиз: газета ўз умрини ўтаб бўлди, деган сўз китоб ўз

умрини ўтаб бўлди, деганидир! Нон емай ҳам яшаш мумкин, деганидир! Юз йиллар мобайнида таълим-тарбия берган устоз муаллимдан юз ўғирини демасдик!

Газета ҳам — зар, зарнинг қадрини эса заргар билади. Бир ўлмас ҳақиқатни такрорлашдан толмаймиз: электрон нашрларнинг мўъжизаларга бой имкониятлари нечоғлиқ эътироф этилмасин, уларнинг ҳеч бири босма нашрлар салмоғи ўрнини босмайди, босмайди. Ахборот турли манбалардан олиниши мумкин, фикр-тафаккур эса газетадан — бевосита муталоа орқали олинади. Истиқомий фикр муталоа орқали чаркланади, бойитилади, камолга етади. Газета тарихий соломна сифатида юз йилдан кейин ҳам кўзга сўртуб ўқилади”.

Мақола ҳамкасбларимиз орасида кенг муҳокамаларга сабаб бўлди, гўё қоронғиликка нур инди. Ҳатто айрим интернет сайтларида ҳам берилди. Шундан сўнг баҳс-мунозаралар шиддати бир оз пасайгандек бўлди.

Янги Ўзбекистонда шаклланаётган, тобланаётган янги журналистика, янги матбуот ва янги журналистлар авлоди ҳаёт ва замон кўндаланг қўяётган ҳар қандай муаммонинг оқилона ечимини топишга қодир. Зеро, матбуот ва журналистика — матонатлилар, топқирлар, зукколар майдони!

Журналист қадрлар етиштириб берадиган олий таълим даргоҳларида талаба ёшларимиз босма оммавий ахборот воситалари ва ноширлик иши, аудиовизуал журналистика, интернет журналистикаси ва менежменти, медиа назарияси ва амалиёти, ҳарбий ва спорт журналистикаси, рақамли медиа, халқаро муносабатлар сингари йигирмадан зиёд таълим йўналиши бўйича юқори малакали профессор-ўқитувчилардан ҳаётан сирларини ўрганмоқда.

Бугуннинг журналисти сўзи ўткирлиги баробарида профессионализм малакасини, тажрибасини ошириб бориши шарт. Зеро, энди фақат матн билан ўқувчи қалбини забт этиб бўлмайди. Фото, видео, аудио имкониятларидан фойдаланиш, қисқача айтганда, медиаконвергенцияни қўллаш талаб этилади. Ҳозир ўқувчининг, томошабиннинг вақти зиёқ. Айни пайтда соҳа вакиллари шунга тайёрланиши керак, бунинг учун эса улар ўз устида тинимсиз ишлаши, мунтазам изланишига тўғри келади.

Давлатимиз раҳбари ўтган йили Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ҳодимлари кунинидаги табриғида “Биз янги Ўзбекистоннинг янги журналистикасини яратиши вазифасини ўз олдимизга қўйган эканмиз, бу борадаги миллий анъаналаримиз билан бирга ривожланган давлатлар тажрибасини ҳам ҳар томонлама ўрганишимиз, оммавий ахборот воситаларини бўйича дунёдаги етакчи олийгоҳлар, нуфузли халқаро таълим олақаларини янада кучайтиришимизни ҳаётингиз ўша талаб этмоқда”, деб алоҳида таъкидлаган эди.

Бизда миллий матбуотимизнинг ўз байрами бор. 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ҳодимлари кунини юртимизда кенг нишонланади. Шу билан бирга, дунё ҳамжамиятида ўз ўрнига эга мамлакат сифатида 3 май санаиси муносабати билан ҳам фаолиятимизни, эришган натижа ва келгуси режаларимизни таҳлил қиламиз.

Юртимизда 2 мингдан зиёд оммавий ахборот воситаси фаолият кўрсатмоқда. “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида ҳам матбуотнинг роли ва журналистнинг касбий фаолияти ҳимоясини янада кучайтириш, одамларни қийнаётган муаммолар ҳамда ислохотларнинг ижроси аҳолини ўрганишда ижод аҳли меҳнатидан самарали фойдаланиш кўзда тутилган.

Ҳозир дунёда ахборотлашув жараёнининг таҳдидли жиҳатлари ҳам мавжуд ва улар тобора кучайиб бормоқда. Айрим минтақа ва худудларда матбуот муайян сиёсий кучлар қўлида ахборот урушини авж олдиришга, жамоатчилик фикрини қалтиришга хизмат қилаётгани аниқланибди. Булгини мураккаб вазиятда ахборот маконинидаги устулик кўп нарсани хал этади.

Журналистика — заҳматли меҳнат, фаолият. Бу заҳмат бир умр давом этади. Замонлар ўзгаргани сари матбуот олдиди янги-янги вазифалар пайдо бўлади. Ҳар бир чиқишида оҳорли сўз айтиш, муштарий онг-шуурга таъсир кўрсатиши, янги фикр ва ғояларни шакллантириш эса осон нш эмас.

ЖАМИЯТНИНГ ҲАР БИР АЪЗОСИГА ТААЛЛУҚЛИ ЖАРАЁН



Нозима МУРАТОВА, ЎзЖОКУ проректори, филология фанлари доктори

Германиянинг энг йирик медиа ташкилотларидан бири бўлган Deutsche Welle Academy маълумотида кўра, дунёда 100 дан ортик ташкилот оммавий ахборот воситалари эркинлигини баҳолаш ва ўз натижаларини тарғиб қилиш билан шуғулланади. Уларнинг катта қисми нодавлат нотижорат ташкилотлар бўлиб, ўзини ўзи молиялаштириш ва тарғибот асосида фаолият юритади. Бундай ташкилотлар веб-сайтини ўрганиш натижаси шунини кўрсатадики, улар, биринчи навбатда, оммавий ахборот воситалари мустақиллигини қўллаб-қувватлаш, сўз эркинлигининг бузилиш ҳолатини кузатиш, индекслар орқали медиатизмларни баҳолаш, журналистларни ҳимоя қилиш ва турли жоғро ҳудудда ишлаётган репортёрларга ёрдам бериш каби нарсалар назарда тутади.

Ўзбекистон сиёсати оммавий ахборот воситалари ва журналистларнинг сўз эркинлигини мустаҳкамлашга қаратилган. Мамлакатда 2 мингдан зиёд ОАВ мавжуд. Онлайн нашрлар саҳифалари, телеканал ва радиоканаллар эфирда бугун танқидий материаллар, ижтимоий довлар масалалар кўтарилган кўрсатув, ток-шоу ва эшиттиришлар тобора ортаётганини кўриш мумкин. Тезкорлик ошмоқда. Тахририятлардаги ижодий жамоа сафига ёш журналистлар авлоди қўшилмоқда. Мана шундай мутахассисларни тайёрлашда Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университетида ҳам муайян ишлар қилинган, мамлакатимиздаги сўз эркинлигини илмий жиҳатдан ўрганиш бўйича лойиҳалар амалга оширилмоқда. Ёш докторант ва тадқиқотчиларимиз сўз эркинлигини янада мустаҳкамлашга доир чора-тадбирлар ва муаммоларни ўрганмоқда. Жараённинг ҳуқуқий томонларини тадқиқ қилмоқда. Бу фаолият 2024 йилда бошланади, яқин орада натижаси жамоатчиликка тақдим этилади.

изчил ишлашида зарурат ортмоқда. Ахборот майдонини дезинформация, ёлгон маълумот кенг тарқалаётган даврда яшашимиз боис, бугун онлайн муҳитда, виртуал маконда сўз эркинлигини таъминлаш билан боғлиқ янги чақиринлар юзага келмоқда. Бунинг ҳам инобатга олмастик, назарда тутилмаслик мумкин эмас. Фикр билдириш жараёнида ҳолисликни таъминлаш учун касбий меъёrlарнинг ишлаб чиқиши ва риоя этилишига эришиш ҳар бир жамият учун муҳим. Янгиланаётган ахборот муҳитида нотўғри талқиндаги маълумотлар оқими таъсирга тушиб қолмаслик, очик маълумотлар шaroитида ахборотни тўғри, ҳолис, танқидий таҳлил қила олиш олдимиздаги муҳим вазифа.



Сўз эркинлигини таъминлашда уни илмий тадқиқ этиш, мезонларни ҳолисона ўрганиш, бу тушунчанинг шахсий манфа-

ат йўлида ишлатилмаслигини таъминлаш долзарб аҳамиятга эга. Айни пайтда журналистларнинг ахборот манбалари билан

9 май — Хотира ва қадрлаш куни

МАТОНАТ САБОҒИ

Тинчликнинг қадрига етиб, фаровон ҳаётимизга шукрона айтишимиз керак

Мўъжаз ҳовли, томорқада экилган анвойи гуллар, ёзда соясию мевасидан бахраманд этадиган дарахтлар, кўркем манзара. Кўчадан келаётган болалар шовқини сўрида хаёл суриб ўтирган Пирназар бобонинг тинчини бузди. Ҳасасини олиб, дарвоза томон юрди. Болаларнинг суҳбатини эшитиб, сергак тортиди.



— Биринчи бўлиб мен отдим, сен ўлмадинг. — Йўқ, мен биринчи отдим. Мен сени кўрдим, — дерди иккинчиси. — Унда қайтадан бошлаймиз, — шовқинга аралашди учинчиси. — Фақат отгандан ўлиш керак. Гирромлик кетмайди. Пирназар бобо болаларнинг гап-сўзидан уларнинг “уруш-уруш” уйнаётганини англади. — Урушнинг оти ўчсин, — деди пичирлаб. Сўнг сўрига қайтди. Кўз олдига уруш хотиралари гавдаланди. У кунларини, ўқ ёмғирини остида ўтган йилларни эслашнинг ўзи нақадар оғир!..

Уруш остонасида

— 1942 йили ҳарбий комиссариатда мен билан бирга 96 ўсмирга ҳарбий кийим бериб, фронтга жўнатишди, — дея эслади Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, карманалик 104 ёшли Пирназар бобо Турдиев. — Россиянинг Пенза вилоятида ҳарбий тайёргарликдан ўтдик. Сталинград жангига юборишганида уруш нимагини билдим, нақадар даҳшатлигини ҳис қилдим. Ер қаттиқ титрайди. Портлашлар замин бағрини кўпориб, хандаққа айланганди. Кўз ўнгимизда шаҳар вайрон, сафдошларимиз ҳалок бўлди. Бу манзаралар илк бор жангга қираётган мен каби янги аскарлар учун жуда оғир ва дах-



Қуршовда нон қадри

— Беларусь ўрмонларида кечган жангда қуршовда қолиб кетдик. Душман тинимсиз ҳужум қиларди. Ўрмон четига яшириндик. Озиқ-овқат деярли тугаган. Ҳеч қандай наҳот йўқ. Қуршовнинг иккинчи кунини ўзимизнинг самолётлар кўриди. Хавфли бўлса-да, олов ёқдик. Самолётлардан бири асқлаб, халтада бўлкан нон ташлаб кетди. Аскарлар бир-бирини суриб, халтага ёпиш-

ди. Очлик туфайли нонни тақсимлаш ҳеч кимнинг хаёлига келмади. Ким кучли бўлса, ўша олади, — дея суҳбатни давом эттиради Пирназар бобо. — Яқинда бир фильмда асирликдаги ўзбекларнинг битта нонни тақсимлаб еганини кўрдим. Жанг майдонидан турли миллат вакиллари билан бу борада муроаса қилиш қийин. Тунда командиримиз буйруғи билан қуршовни ёриб, тўпчиларимиз жойлашган томонга ҳаракатлана бошла-

дик. Чунки бошқа иложимиз йўқ эди. Ўрмон ичидида очликдан ўлгандан кўра тирик қолишга ҳаракат қилиб, жангга кириш энг маъқул йўл эди. Бир-икки кунда ўзимизнинг қисмага қўшилган муваффақ бўлдик. Қандай қийинчилигу жанглар эвазига қуршовдан чиққанимиз ўзимизга аён. Айтмоқчи бўлганим, ўшанда бир бурда нон қадрини билганман. Бундай кунларни ҳеч кимга раво кўрмайман. Бугунги тинчлик-осойишталикнинг қадрига етишимиз, фаровон ҳаётимизга шукрона айтишимиз керак. Гоҳида дабдабали маросимлар ва маъракаларда исроф бўлаётган ноз-неъматлар, таомларни кўрганимда қуршовда қолиб, очликдан нон солинган халқларга ёпишаётган аскарлар кўз олдимга келади.

Фронтда Ҳалима Носирова

— Бир неча марта яраланиб, госпиталларда даволандим. Бир сафар Гомель госпиталидаги далимда санъаткорлар келаётганини хабар қилишди. Уларнинг Ўзбекистондан эканини эшитиб, жуда хурсанд бўлдим. Ҳаммадан олдин концерт қўйилган майдонга бордим. Кичик саҳна ортига миллийлигимиз уфуриб турган сўзаналар тортилган, соҳнада йнгитлар чопон кийган, бошда эса дўппимиз. Аёлларнинг эғнида атлас кўйлақлар, сочи майда ўрилиб, дўппи кийган. Концертада ўзбекча қўшиқларни мириқиб тингладик. Саҳнага Ҳалима Носирова чиққани энг эсда қоларди бўлди. У қўшиқ куйлади, рақсида эса Тамара хоним. Ўшандаги ҳиссиётимни сўз билан ифодалашим қийин. Қўшиқ тингламан-у, кўнглим тўлиб, кўзимдан тинмай ёш оқади. Бу Ватан соғинчи, юртга муҳаббат ҳисси эди.

Икки марта “ўлган” жангчи

— Иккинчи Беларусь фронтда жанг қилдим. Полтава, Курск, Орёл, Гомель ерларидан фашистларни қувиб чиқардик. Навбат Польша худудига келди. Ундан ўтиб, Германияда галаба байроғини илдик. 1946 йили эса душманнинг Литвадаги охириги қисмларини яқсон қилдик. Ватанга муҳаббат, ота-онам дуоси катта ёрдам берди. Пешонамда яшаш бор экан, 1946 йилнинг баҳорида юртга қайтдим. Уйга келганимда яқинларим тирикчилигимга ишонмаган. Сабаби, уруш йиллари мени ҳалок бўлди, деб қишлоғимизга икки марта “қорахат” келган. Бу ота-онам учун жуда оғир бўлган. Уруш тугаб, поездда уйга қайтдим. Ярим тунда поезддан тушиб, кеч бўлгани учун вокзал яқинида яшайдиган Хосият амманнинг уйига бориб, дарвозасини тақиллатдим. Амман “Пирназар урушда ўлган, ундан “қорахат” келган”, дея ишонмай дарвозани очмаган. Сабаби, ўзига яраша қийинчилик йиллари эди, бирорта ўғри алдайтиш, деб уйлаган. Ёнидаги хонадонда Худойберди



тоғам яшарди, овозимизни эшитиб, бизга пешвоз чиққан. Отам ҳам тезда тоғамникига етиб келган. Эртасига аравада уйга қайтдик. Бу “қорахат” қанчадан қанча уйларда дод-фарёдларга сабаб бўлган.

Сафдошлар ёди

— Иккинчи жаҳон урушига Кармана туманидан кетган йнгитларнинг 1200 дан зиёди қайтиб келмаган. 200 га яқини бедарак кетган. Тирик қайтиб келганлар ҳаётини йўлга қўйди. Оила қуриб, турли соҳаларда ишлади. Улар билан тез-тез кўришиб турар эдик. Ҳар сафар учрашганимизда имкон борича уруш ҳақида суҳбатлашмасликка ҳаракат қилардик. Ҳар бир эслаш битмас ярани тирнаш билан баробар эди. Ўша азобни ҳис қилмаслик учун имкон борича оғир дамларни эсламасдик. Урушдан қайтган карманаликлар орасида фақат мен қолдим. Қолганлар бу оламни тарк этди. Уларни доим ёд этиб тураман.

Шукроналикка ундайдиган гурунглр

Инсон бахтли ўтган кунларини ҳаяжон ва қувонч билан ёдга олади. Ҳар гал ўша дамлар эсга тушганида дили яйрайди, юзида табассум акс этади. Бироқ шундай хотиралар борки, улар ҳақида ўйлаш кишини даҳшатта солади. Йилда бир бор эски жароҳат қалбга яна оғир ботади. Бу — уруш хотиралари. Уларни эслашнинг иложи йўқ. Чунки бугунги кунлар қадрини англаш учун ҳам бу йўлда жон фидо этганларни ёдга олиш муҳим. Айни вақтда 104 ёшни қарши олган Пирназар бобо фарзандлари, нева-чеваралари, эваралари ардоғида кексалик гаштини сурмоқда. Шу ёшда ҳам бобо томорқасидаги унча-мунча юмушни бажаради. Бобонинг хонадони доим гавжум. Ҳар йили Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан отахон хонадонига келадиғанлар янада кўпаяди. Ёшларига юрт тинчилиги учун қалқон бўлган, Ватанин овоз кўриш истағида шаҳид кетган тенгқурларни орусини ҳам амалга оширган нурунлар сафида бўлиш бугун Пирназар Турдиев қалбини чексиз гурурга тўлдирди.

Утмишдаги қийинчилик, орзулари бир олам бўлган йнгитлар тақдир, урушга отланиш масъулияти, Ватанин ҳимоя қилишдек қатъият, душманга рўбарў келишдан қўрқмаслик шаҳиди. Пирназар Турдиев билан суҳбат ҳар гал ҳаёт ва ўлим орасидаги қадам, эрта хазон бўлган ёш умрлар, оналар, опасингиларнинг кўз ёши ҳақида, юртни ҳимоя қилишга кетиб, қайтмаган минглаб ўғлонлар хусусида бўлади. Бундай мулоқотдан сўнг уруш даҳшатини тасаввур қилиш қийин эмас. Уз навабатида, бу эсдаликлар ёш авлод учун ўтмишдан сабоқ ва ибрат мактабидир.

Ғолиб АБДУСАЛОМОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири

Фестиваль

Шу кунларда Сурхон воҳаси йирик халқаро тадбирга мезбонлик қилмоқда. Маданият вазирлиги, Туризм қўмитаси ҳамда Сурхондарё вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида Бойсун туманидаги туризм мажмуасида “Бойсун баҳори” халқаро фольклор фестивали ўтказилаяпти. Нуфусли тадбирда 40 дан ортиқ давлатдан 150 га яқин делегация аъзолари ва халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этияпти. Россия, Хитой, Япония, Беларусь, Таиланд, Германия каби 16 давлатдан машҳур фольклор жамоалари иштироки режалаштирилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 7 февралдаги “Бойсун баҳори” халқаро фольклор фестивалини ташкил этиш ва ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, фестиваль олтинчи марта ташкил этилди. Шундан сўнг халқаро фестивал UNESCO шафелигида ҳар 2 йилда бир марта ўтказилиши белгиланди.

“Инсониятнинг номоддий маданий мероси” рўйхатига киритилган фестивалнинг ҳамда даражадаги аҳамиятини инобатга олиб, тайёргарлик ишлари ўтган йилдан бошланган эди. Шу мақсадда сўлим тоғ қўйнидаги Бибиширин маҳалласида умумий қиймати 47 миллиард сўмлик замонавий туристик маскан барпо этилди. Беш қаватли тўрт юлдузли муҳташам меҳмонхона, йирик саҳна, амфитеатр, вилоятлар кўргони учун жой, этноспорт майдончалари ва бошқа инфрамуҳитга иншоотлари қад ростлади. Ўтовлар ҳамда Термиз шаҳри, туманлар ва вилоят ташкилотларининг кўргонлари ўрнатилди. Бу йил еттинчи марта ташкил этилаётган “Бойсун баҳори” халқаро фольклор фестивали тамомилан янги ҳаётга шукуҳ ва услубда бошланди.

— Бу ерга маданиятнинг кўриши учун келдим. Бойсун инсониятнинг энг қадимий бешикларидан бири бўлган жой. Шунинг учун ҳам бу ерни танладим. Бундай катта фестивалда иштирок этиш, фольклор

жамоаларининг чиқишларини кузатиш менга завқ бағишлайди, — дейди неманиялик сайёҳ Тахер Нефф. — Чунки фольклор миллатнинг ўзига хос қадрият ва аъналарини тараннум этади. Дунёнинг кўплаб давлатларида ўтказилган фольклор тадбирларида иштирок этганман. Лекин бу фестиваль бутунлай бошқача. Ҳаммаси табиий ва уйғун: табиат, қадрият, куй. Одамлар учун мусиқа ва куй-қўшиқлар умумий тил саналади. Шунинг учун ҳам халқларнинг миллий маданияти инсонларни, эларни бирлаштиради.

Халқаро фестивал доирасида Термиз давлат университетидида хорижлик ва маҳаллий олимлар, санъаткорлар ва фахрий меҳмонлар иштирокида “Сурхон воҳасининг инсоният цивилизациясидаги ўрни: моддий ва номоддий маданият асослари” мавзусидаги конференция бўлиб ўтди. — Кузатишимча, бу йилги фестивал тамомилан янги ҳаётга шукуҳ ва услубда ўтказилмоқда. Буни халқаро конференциянинг салмоқидан ҳам билиш мумкин. Тадбирда 50 дан ортиқ давлатдан вакиллар онлайн ва офлайн форматда мавзуга доир маърузалар билан қатнашяпти, — дейди Термиз давлат университети профессори, тарих фанлари доктори Тошкенбой Пардаев. — Бу ҳам тадбирнинг кўлами ва миқёсини белгилаб беради.

ҲАЙРАТЛАР ЎЛКАСИДА

Баҳор шукӯҳи



Анжуманда “Сурхондарё — буюк тамаддун бешиги”, “Ўрта асрларда Сурхон воҳасининг моддий ва номоддий маданияти”, “Воҳа аҳолисининг номоддий маданиятида анъанавийлик ва замонавий кўринишлари”, “Мустанкилик йилларида Сурхондарё вилоятининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиёти” шубҳаларида олимлар ва ёш тадқиқотчилар мақолалари билан иштирок этди.

— Бу ноёб ва нафис санъат байрами иштирокчиларида узоқ ўтмишдан сўзлайдиган археологик ёдгорликлар — палеолит даврига оид инсоният бешиги саналмиш Тешиктош,

Амир Темури гори, 65 миллион йиллик динозаврлар изи, икки минг йил муқаддам муҳим истехком, стратегик иншоот вазифасини бажарган Узундара, Қўрғонзал, Туманқўрғон сингари археологик ёдгорликларга саёҳат уюштириб, дунё тамаддуни ҳақидаги билим ва таассуротни бойитиш имкони бор, — дейди Тошкент давлат шарқшунослик университети профессори, тарих фанлари доктори Мирсоҳиб Исҳоқов.

Фестивалнинг очилиш маросими кунини кеча Бойсун туманидаги амфитеатрда бўлиб ўтди. Таниқли санъаткорлар ҳамда фоль-

лор жамоалари иштирокидаги маданий тадбир миллий соз ва либослар, таомлар, хунармандлик буюмлари, тасвирий ва амалий санъат асарлари кўргазмалари, дроналар шоуси, этноспорт беллашувига уланиб кетди. Шунингдек, кўпқари, кураш, тош қўтариш, арқон тортиш, хўроқ уриштириш, варрак сайли каби халқ ўйинлари ҳам ташкил этилди.

— “Бойсун баҳори” фольклор фестивали — халқаро дўстлик алоқалари рамзи, — дейди франциялик сайёҳ Жоанна Луиллер. — Фестиваль иштирокчиси сифатида турли миллат вакиллари билан тоғ бағрида жойлашган сўлим Бойсуннинг мусаффо ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олдик. Бой табиат манзараларидан, шифобахш гиёҳлар ифорида хузуруландик. Мато, гилем тўқичи, каштанчилик, дўппидўзлик, чанқовуз, дўмбира, сибизга, най яшаш каби халқ амалий санъатидан бахраманд бўлдик.

Тадбир доирасида фольклор, миллий ўйинлар ва томоша санъати бўйича халқаро кўрик-танлов ташкил этилади. Беллашувда 1-ўринни эгаллаган жамоа 3500, 2-ўрин соҳиблари 2500 ва 3-ўринни қўлга киритганлар 1500 АҚШ доллари пул мукофоти ва эсдалик совғалар билан тақдирланди. Шунингдек, совриндорларга махсус диплом, сертификат ва халқаро фестивал статутгаки топширилди.

Фестиваль кунлари қизиқарли концерт дастурлари намойиш этилади. Маҳаллий ва хорижлик сайёҳлар учун Бойсуннинг қадимий туризм масканларига саёҳатлар уюштирилади. Жумладан, иштирокчилар бир асрлик тарихга эга Сайроб чинорлари, “Омонхона”, “Хўжамайхона” шифобахш суви, сирли балқилари, Тангисар қизил қаньони, сайёрамиздаги энг чуқур горлрдан бири — Бойсунтоғ тизмасида жойлашган 2651 метр узунликдаги “Қора юлдуз” горини кўриш имконига эга бўлади.

Сарвар Тўраев, “Янги Ўзбекистон” мухбири

ҒАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКҲҲ QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.



“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДМ

Бош муҳаррир: Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Колограк” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 236. Буюртма — 1459. 44034 нусхада босилди. Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоси келишилган нарҳда.

Навбатчи муҳаррир: Дилшод Улуғмуродов Мусахҳи: Аслиддин Абдуразақов Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилими: 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй